

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Элда эъзоз топганлар



КАМТАРИН, ФИДОЙИ, МЕХНАТКАШ...

Болалар жамғармаси Бухоро вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдулло Музаффаров ҳақида сўз кетганда ушбу фазилатлар албатта тилга олинадди.

Бир одамга шунча таъриф бериш ўринли бўлармикан, деб ўйлаётган бўлсангиз, янгиликсиз. Негаки, ўн беш ёшида иш фаолиятини бошлаб, 82 ёшда бўлса-да, ҳамон эл-юрт манфаати йўлида елиб-югураётган Абдулло Музаффаров бундан-да зиёд таъриф тахсинга лойиқ кўрилади.

Баъзида ундан сўраб қолишадди:

- Абдулла Азимович, ахир сиз ҳам кексалар қатори бемалол оёқ узатиб, дам олсангиз бўлади-ку, қачон қариллик гаштини сурасиз?

- Кечирасиз, меҳнат қилиш мен учун заҳмат эмас, роҳат. Бир умр халқ орасида юрдим, айна кексалик дамимда ўзимни халқдан четга олсам, бу мен учун роҳат эмас, ранж бўлади, - дейди устоз ишонч билан.

Абдулло Музаффаровнинг ўсмирлик даври айна II жаҳон урушининг қирғинбарот жанглири кетаётган 40-йилларга тўғри келди. Билаги энди кучга тўлиб келаётган йигитча ёшлик завқ-шавқини суриш, бебаҳо бу фасл неъматларидан баҳра олиш ўрнига фронтда қон кечаётган акалари Маҳмуд, Воҳид, Мутаҳарлар ўрнида оила тебратишга мажбур эди. Шу боис Бухоро шаҳридаги "Ойдин" артелига ишга кириб, кунига бир марта бериладиган 400 грамм нон эвазига катталар қатори тер тўка бошлади. Ўзбек, рус, тожик тилларида бемалол гаплаша оладиган Абдулло ўткир зехни, тиришқоқлиги билан дарҳол атрофдагилар назарига тушди. Ордан икки йил ўтиб, уни ёшлар ташкилоти котибликка, кейинчалик вилоят ёшлар кўмитасига I-котибликка сайлашди. Билим олишга бўлган кучли иштиёқ уни пединститутда сиртдан ўқишига, Москва шаҳрида малака оширишига сабаб бўлди. 1957 йил-

гача вилоят халқ таълими бошқармасида назоратчи бўлиб ишлаган Абдулло Музаффаров шу йили бошқарма бошлиғи этиб тайинланди.

Бу лавозимда ундаги туганмас куч-ғайрат, билим, иқтидор янада ёрқинроқ кўзга ташлана борди. У барча мутасадди раҳбарлар, юқори ташкилотлар эътиборини, жамоатчилик ёрдамини шу соҳага қаратишга эриша олди. Мактабларда бир сменали ўқув жараёни ташкил этиш, ҳомийлар, жамоатчилик кўмағи билан мактаб, боғча, устaxonалар қуриш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, мактабни битирган ёшларни ўқиш ва касб-хунар ўрганишга йўналтириш унинг кундалик иш режасидан доимий ўрин олган эди. Ордан тўрт йил ўтиб, уни Тошкентга, Марказқўмга ишга таклиф қилишди.

Кўпчилик билан тезда тил топшиб кета оладиган, оғир-вазмин бу одам қатор йиллар Бухородаги турли раҳбарлик лавозимларида ҳалоллик билан меҳнат қилди.

Эл-юрт ўртасида муносиб эҳтиром топган бу инсонни 1988 йил Республика Болалар жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб сайлашди. Абдулло Азимович жамғармада иш бошлаган биринчи кунданок етим, ногирон, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига моддий, маънавий ёрдам беришни асосий иш дастури қилиб белгилади. Бухоро шаҳридаги 32-сон Меҳрибонлик уйи, мактабгача ёшдаги болалар меҳрибонлик уйи, Бухоро, Когон шаҳарларидаги оилавий меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари соғлигини мустаҳкамлаш, уларга чуқур билим бериш, касб-хунар ўргатиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, моддий тарафдан қўллаш каби муҳим масалаларни ҳал этишда бош-қош бўлди. Устоз ташаббуси билан эҳтижманд оилалар болаларининг суннат тўйла-

ри ўтказилди. Маҳаллий ҳокимият, хўжалик, ташкилот раҳбарлари эътиборини болаларга ғамхўрлик ва муруват кўрсатишга қаратиш замирида ҳам А.Музаффаровнинг ташкилотчилиги, ғамхўрлиги ва инсонпарварлиги мужжасам.

Абдулло Музаффаров оилада меҳрибон ота, ғамхўр бобо. Турмуш ўртоғи Полина Тимофеевна билан 62 йилдан бери бирга яшаб, 4 фарзандни ўсиб-ўлғайтиришди. Ўғил-қизларининг бари олий маълумотли, касб-хунарли, уйли-жойли бўлиб, эл қаторидан ўрин олишган. Наби-эваралар бобою бибининг жону диллари.

Устоз билан учрашганимда менга айнқиса суҳбатимиз якунида айтган гаплари қаттиқ таъсир қилди:

- Яшадан мақсад нима? Фақат еб-ичишу қорин тўйгазиш учун дунёга келадими инсон? Ундай десак, нега турмуши тўкин, тўқ-фаровон яшайдиган инсонлар ҳам баъзан армонлар гирдобиди азоб чекишадди? Ҳаётдан қониқиб, сермазмун умр кечиришининг ўз қонун-қоидалари борми? Менимча, бор! Бунинг учун ҳар кимга фақат бир марта ато этиладиган ҳаёт қадрига етиш керак. Одамларни, аввало ўзингни ҳурмат қилишинг, севишинг керак. Умр аталмиш бино пиллапояларидан бир-бир босиб чиқар экансан, буни шунчаки умргуза-ронлик эмас, мақсад сари интилиш деб қабул қилишинг, вақт-соати билан ортага ўгирилиш, қолдирган изларингни сарҳисоб қилишинг, тўғри-но-тўғри қўйган қадамларингни англаб етишинг керак. Ана шунда яшашда мазмун бўлади, афсусланиш, надоматлар чекишга ҳоҳат қолмайди.

Абдулло Азимович бу сўзларни изҳор этиш билан ўзи бир умр амал қилган ҳаёт фалсафасини баён этганига ишончим комил эди.

Зухра ҚУРБОНОВА,
Бухоро вилояти.

ҚАШҚАДАРЁДА... ФУТБОЛ ҲАФТАЛИГИ

18-28 апрел кунлари дунёнинг 160 мамлакатидида имконияти чекланган ёшлар ўртасида футбол бўйича Махсус Олимпиада ҳафталиги гоёт кўтаринкилик билан ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўтказилган футбол ҳафталигида барча вилотлардаги махсус мактаблар, мактаб-интернатлар, "Муруват уйлари"дан 280 нафардан ортиқ ўсмир қизлар ва ўғил болалар қатнашдилар.

26 апрел ошқомида Қаршида-

"Шуртангазимё" мажмуасига қарашли Маданият ва спорт-соғломлаштириш марказининг ўйингоҳида жамоалар ўзаро куч синашдилар. Ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари томошабинларга қизиқарли ўйинлар кўрсатиб, дилларни қувонтирди.

Шуниси эътиборга молиқки, Қаршида ўтказилган футбол ҳафталигида қўшни Тожикис-



ти Амфитеатрда Махсус Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова, Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниевлар тадбир иштирокчиларини табриклашди. Байрамона тус олган томошагоҳ санъаткорлар чиқишлари билан янада гўзаллашиб кетди.

тон, Туркманистон ҳамда Қирғизистон республикаларидан спортчилар иштирок этдилар. Финал ўйинларининг Ўзбекистонда ўтказилиши Европа - Евроосиё Махсус Олимпиадаси томонидан тавсия этилган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида Махсус Олимпиаданинг ривожланишига катта ҳисса қўшаётган давлатлардан бири эканлигини билдиради.

...КИНО САНЪАТИ КУНЛАРИ



Қашқадарёда «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» ўтказилди. Вилоятнинг меҳнат жамоаларида, талабалар ва ўқувчи-ёшлар хузурида бўлиб ўтган сермазмун учрашувларда киносотомошабинлар эҳтиромига сазовор бўлган машҳур кино ва театр актёрлари мухлисларининг кино санъати муаммоларига доир саволларига жавоб бердилар ҳамда ўзбек миллий киносининг бугунги тараққиёт йўллари ҳақида фикр юритдилар. 2007 йилда Давлат муқофотига сазовор бўлган Қамара Камоловнинг "Йўл бўлиди", Ҳалқаро кино фестивалида совринлар олган Ёлқин Тўйчиевнинг "Чашма", Аюб

Шабобидиновнинг "Ўтов" ва "Телба", Собир Назармухамедовнинг "Соғинч соҳили", Ҳамидулла Ҳасановнинг "Чавандоз", Баҳоидир Одиловнинг "Забаржад" каби бадиий, "Умид ниҳоллари", "Қарши — 2700 йиллиги", "Шуртангазимё мажмуаси", "Ўзбекистон баҳори", "Ватан остонадан бошланади", "Табаррук замин" сингари ҳужжатли ва илмий оммабон, "Ур тўқмоқ", "Эртақлар яхшиликка етаклар", "Сумалак ва минг ният", "Дангаса" сингари мультитипликацион фильмлар намойиш этилди.

Шавкат СУЛТОН

✓ Яхшилардан сўз очдик

КАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН...

Истеъдод табиат инъоми, истеъдодли одамлар эса халқ бойлигидир. Фиждуннинг истеъдодли фарзандларидан бири Акмал Яхёевич Олимов туман тиббиёти тарихига ўчмас саҳифалар битган, умрини халқ саломатлигини мустаҳкамлашга бағишлаб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган инсон. 1957 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳини тамомлаб, туман касалхонасида хирург бўлиб иш бошлаган Акмал акага ўз касбининг усталари билан ишлаш насиб этди.



Ёш мутахассис ўз истеъдоди, илмига ишониб, энг мураккаб жарроҳлик муолажаларини ҳам амалга ошира бошлади. Илм олишдан чарчамади. Билмаганларини билганлардан ўрганди, билганларини эса бошқаларга ўргатди. Мақсади ўз касбининг устаси бўлиш бўлгани-чун, бу йўлда қатъий ихоталаб борди. Бу эса унда ишончни мустаҳкамлади, журналти қилди.

Жарроҳлик бўлими бошлиғи, акушер-гинеколог, судмедэксперт, травматолог, уролог, анестезиолог бўлиб ишлади. Жуда қийин операцияларни ҳам вилоятда биринчи бўлиб муваффақиятли удалади. Кон қўйиш станцияси очишлиғига ёрдам берди, патология лабораторияси, МРТ кабинети-ни ташкил этди. Салкам 30 йил мобайнида ВТЭК раиси бўлди. Халол хизматлари унга обрў келтирди, меҳнатлари муносиб эътироф этилди: медаллар, ёрликлар, "Соғлиқни сақлаш аълоҳиси", "Республикада хизмат кўрсатган врач" унвонларига сазовор бўлди. Буларнинг барчаси унга яхши мутахассис, ўз касбининг устаси, фидойиси сифатида берилган баҳолар. Аммо Акмал акани шу даражага етказган асосий омил унинг маънавий олами жуда бойлиги, тафаккури теранлиги, ҳеч қачон касбига хиёнат қилмагани...

Донишмандлар дейдилар: фақат қўли билан ишлайдиган одам ишчи, қўли-ю, ақли билан ишлайдиган уста, қўли-ю ақли ҳам қалби билан ишлайдиган одам санъаткор. Акмал ака ана шундай санъаткор даражасидаги шифокор.

- Тиббиёт фидойиликни, ўзингдан кечиби, ўзгаларни ўйлашни тақозо қилади. Беморни даволаш учун гоҳ дард билан дардлашишга, гоҳ ажал билан олишишга тўғри келади. Энг муҳими, умр бўйи ўқиб, изланишингни, билимни муттасил ошириб боришингни талаб қилади. Шифокор эл саломатлиги учун масъул, бемор ҳаёти учун жавобгар эканлигини бир дақиқа бўлса-да, ёддан чикармастлиги керак, - дейди Акмал ака.

Акмал ака ўта мулоим инсон. Мулоимлик эса ҳиммат ва мурувват бўлиб, шу сифати билан кадр топади. Имом ал-Бухорий ҳадисларида айтишларича: "Кимгаки мулоимликдан насиба берилган бўлса, унга яхшиликдан насиба ато этилган". Мулоимлик илоҳий сифат бўлса кераки, Акмал

ака чеҳрасидан нур ёғилиб туради, инсофли, диёнатли, яхши суҳбатдош. Сўзи, феъли билан барчага бирдек ёқади. Қўллари сеҳрли, ўзи меҳрли.

Умр ўтгани сайин кимнингдир сурати, бошқа бировнинг сийрати ўзгаради. Бу табиий ҳароён. Аммо Акмал Олимов сурати ҳам, сийрати ҳам бирдек яхшиликни ифодалайди. Ўша-ўша самимий, безор чеҳра, доимо кулиб турувчи кўзлар, ўта маданий, серилтифот, хушмуомала. Камтарин, камсуқум, донишмандона қиёфа. Ҳар тонг пиёда ишга отланади. Ҳамма қатори умргузaronлик қилади. Яхши ота, меҳрибон оила бошлиғи. Умр йўлдоши Мэлслана опа билан уч фарзандни вояга етказишди.

- Инсонни асраш, унинг умрини узайтиришга ҳисса қўиши, дардини даволашдан улгурок, олийжаноброк иш бўлмаса керак, - дейди мухир шифокор. - Ана шундай хайрли иш билан шугулланишга имкон берган касбим билан фахрланаман. Шогирдларим ишу ўтқларидан қувонаман.

Шогирдни юл билан эмас, қалб билан тиклайдилар, деганларича бор. Туман тиббиёт тизимига хизмат қилаётган энг малакали, ўз касбининг билимдони саналмиш Файзулла Давлатов, Абубакор Эгамов, Тоҳир Аллаёров, Юсуф Раунов, Ўқтам Тешаев каби қўллаб шифокорлар Акмал акани устоз деб билишди, эъзозлашди. Файзуллажон бошлиқ тиббиёт ахли яхши шогирд қалбида устоз сўнмас нур бўлишини кўрсатишди. Акмал Олимов меҳнат фаолиятининг эллик йиллиги тантанали нишонланди. Кутловлар, олқишлар, совға-саломлар. Устозга кўрсатилган иззату иқром, меҳру оқибатдан кўнгиллар яйради. Кўпларга ибрат бўлди бу, ҳавасини келтирди барчанг.

Ўзи яхши кўрган бир ҳикматда айтилганидек, Акмал ака ҳаётдан жами яхшиликларни олди, бойликдан бўлак. Бисотидаги бор эзгуликларни халқига берди - ҳаётдан бўлак. Оллоҳга тегишли бўлган жони омон бўлсин, умрини зиёда қилсин Парвардигор.

**Бахшанда БОЛТАЕВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждун тумани.**



МЕҲРИ УСТОЗ

Меҳри опа Раҳимова "Баркут" маҳалласида ҳам, ўзи фаолият кўрсатаётган Носир Ўткиров номидаги мактабда ҳам камтарлиги ва ҳокисорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни беҳизга орқаваротдан "Меҳрли устоз" деб аташмайди. У ҳамшира катта-кичик билан дўст, сирдош бўлиб гаплашади. Меҳри опа учун бу гўшанинг чўпи ҳам кадрдон. Ахир 10 йил шу ерда ҳарф таниб, ок-корани билган, шу ердан катта ҳаётга учирма бўлган. Ўшанда отаси Исқандар Раҳимов мактаб директори эди, шунингдек, биология фани ўқитувчиси бўлиб, ёшларга сабоқ берарди. У 850 ўқувчи қатори ўн фарзандига ҳам: "Хасдан юқори тутманглар ўзларингни, Тангрининг ўзи банд қилсин сизларни... Одамларнинг ардоғида кўтарилгинг, болаларинг!" - дердилар. Ўздан ошиқ ўқитувчига устоз бўлган отанинг ўғитларига амал қилиб ўсган Меҳри-она ҳаётда ҳам кам бўлмади. Олийгоҳни тугатгач, кадрдон мактабига она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб келди. Болаларга ҳазрати Алишер Навоийдан тортиб, Абдулла Ориповгача бўлган



масофадаги гўзалликни тасвирлаб беришга, уларнинг қалбига сингдиришга ҳаракат қилди.

- Бу ҳаётда жамийки неъмат инсон учун яратилган. Унинг қадрини, унинг гўзаллигини ҳис этиб яшаш қобилиятини болаликдан тарбиялаш керак... - дейди Меҳри опа. - Мактабнинг илмий бўлим мудири Умидхон билан шу мақсадда уюштираётган кечаларимиз, жонли мулоқотлар, мушоиралар ва викториналарнинг ҳам самараси бекёйс. «Оила ва жамият» газетаси ҳам биз учун бир дарслик. Айниқса унда чиқаётган мақолалар бўйича ўтказадиган суҳбатларимиздан

ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам кўп нарса олишади. Ундаги "Қўнғирокларингиз", "Ташрифларингиз" рукнлари остида бериладиган мақолалар барчани хато қилиб қўйишдан сақлайди, ўйлатади. Ўқувчиларим туман тиббиёт олимпиадаларида доим фахрли ўринларни эгаллаб келишади. Навоий вилояти, Навбахор туманидаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёти фани мураббийси, олий тоифали ўқитувчи Меҳри Раҳимовага ишга, одамларга жонфидолик асли ота мерос. Исқандар ота биологиядан ўқувчиларга сабоқ бераркан, табиатнинг ҳар бир маҳсулига, жониворларга айрича меҳр билан ёндошарди. Отанинг мактабда ҳам, уйда ҳам яратган боғлари ҳақида ҳамма ҳавас билан гапирарди. Меҳри опа - "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи", "Ҳурмат белгиси" ордени соҳиби, невазар-чеваралик бойбува, Маҳфуза аянинг ярим асрлик сунган тоғи Исқандар ота Раҳимовнинг қизиди! Опа ҳам турмуш ўртоғи Ёқуб ака билан тўрт кўзни вояга етказиб, ҳамшаҳарлари ардоғида юрган бахтли аёл. Биз Меҳри Раҳимовага доим эл назарида юришини тилаб қолаймиз.

С. ФАХРИДДИНОВА

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Онаник ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сўсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

Газетхон—газета ва ҳаёт ҳақида

Менинг сирдошим

Хадиси шарифда: "Бешиқдан қабргача илм изла", деган доно бир ўғит бор. Шунга амал қиладиган бўлсак, ҳаётда кўп нарсага эришиш мумкин.

Ҳали-ҳали ёдимда. 1953-54 йиллар эди. 11-12 ёшлардаман. Уруш тугаб, халқимиз меҳнат билан банд бўлса-да, ҳарбий идора 18-30 ёшли турли ёқдан йиғилган йигитларни бир жойга тўплаб, улар билан турли отиш курулларида фойдаланиш кураш сирлари машғулотлари ўтказарди. Ана шундай йигитлардан 30 таси кишлоқдош Шароф бобо деган кишининг уйда яшарди. Мен кечкурунлари уларга "Алпомиш", "Кунтуғмиш", "Гўрўғли" достонларини ўқиб берардим. Ана шу тахлид китоб ўқилар конконимга сингиб кетди.

Туман марказига ҳар борганимда 5-6 тадан китоб сотиб олар эдим. Ушбу китобларни ўқиб чиқмасам, кўзимга уйқу келмасди. Китоб-газета ўқиш кишининг билим доирасини оширади. Мутулаа - қалбларда э-

гуликни, яхшиликни уйғотади. Ўқимишли кишидан ёмонлик чикмайди.

Ҳар томонлама билимли киши билан қанча суҳбатлашманг, тўймайсиз. Яна унинг суҳбатига ошкисиз. Мен ҳам ана шундай дўстларга эгаман. Қўшни мактабда 40 йилдан кўпроқ тил-адабиёт фанидан дарс берган устозимиз Неъмат ака Омонов ва тоғам Маҳмуд Қаландаровлар билан тез-тез ўзаро суҳбатлар кураимиз. Бу ажойиб инсонлар ҳаётда кўп қийинчиликларни бошларидан кечирган, кўп китоб ўқиган, билимли кишилардир.

Газетасиз бирор кунимни ҳам тасаввур қилолмайман. Энг сеvimли газетам эса "Оила ва жамият". Мақолаларга ўз муносабатимни ҳам ёзиб тураман. Газета сирдошимга айланган.

Ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан, ўздан фарзандлар қолдиради. Шунинг билан бирга билими, ақли, маслаҳатлари билан бировнинг кўнглини овласа, унинг дардига малҳам, қайғусига шерик бўлса, бу одамгарчилик эмасми?

Ҳозир газета-китоблар қиммат деб бонг урамиз-у, ном қозониш учун катта-катта тўйлар қиламиз. Дастурхонда минг нозу неъматлар билан спиртли ичимликларни тўкиб ташлаймиз. Ахир шу ичимликнинг ўрнига боламизга 2-3 та китоб беради-ку. Китобни мутулаа қилган бола қалбида эзгулик уйғотамиз-ку. Китоб-газета ўқиган боланинг нутқи равон бўлади, китоб қаҳрамонларидек мард, ватанпарвар, меҳнатсевар, ота-онани ҳурмат қиладиган, кишиларга фақат яхшилик қиладиган инсон бўлиб етишади. Болани китоб ўқишга ўргатиш оиладан бошланади. Ота-она китоб сотиб олиб ўғил қизига берса, "Буни ўқиб, нимани тушундинг", деб сўраса, фикрлашса, боланинг онги ўсади. Фанларни яхши ўзлаштиради. Фақат унга шароит ярати беришимиз зарур деб ўйлайман.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,
кекса ўқитувчи.
Бухоро вилояти, Ғиждун тумани.**

Кўрган-кузатганларимиз

КУПТА-КУНДУЗ КУНИ...

Кирчиллама кишининг кичкина чилласи - давл ойи эди. Менга бу воқеани кўшни шаҳардаги танишим алам билан айтиб берди.

Шаҳарнинг марказий йулидан танишимникига меҳмондорчиликка бораятгандим. Қор бўралаб ёғарди. Ернинг юзи қарийб ўн сантиметргача қор, кўзни жирилатарди. Ортимдан қиз боланинг каттиқ чинқириб додлагани, "қутқаринглар", деган оғрикли чинқирғи эшитилди. Аввалига ҳаёлимда бўлдимиз? - деб ўйладим. Жон-талвасада орқамга ўрилдим. Мендан юз, юз эллик чақирим орқада икки, уч нафар ёш йигитчалар оч бўрилар қўйга ташлангандек ниҳолдек кина қизга ташланаётганларини кўриб қолдим.

Қизга ёрдам бериш учун изимга қайтдим. Қорга сирпаниб йиқиламанда, тагин ўрнимдан туриб югураман. Яна сирпаниб йиқиламан, ўрнимдан туриб, оҳиста-оҳиста юриб қадамимни тезлаштираман. Ниҳоят, қизга яқинлашиб борганимда уч йигитча катта асфальт йўлнинг пасти томонига қараб жуфтакни ростлади. Қайсидир кўчада кўздан ғойиб бўлди. Қиз чириллаб йиғлашдан тинмасди. То мен олдига борганимча, ечиб қорга улоқтирилган пальтосини шоша-пиша устига кийди. Бир кўли билан очик танини пальтосига ўраганча "хўнг-хўнг"лаб алам билан йиғларди.

Олдига бориб, уст-бошларини қордан тазалашга ёрдам бердим. - "Бола бўлмай кетгулар. Буларнинг ҳам опаси, сингиллари бордир. Бу болалар олдимиздан биринчи бўлиб чиққан аёлни агар у онамиз бўлса ҳам яланғоч қиламиз, деб онт ичибдилар. Менинг кофтамни, костюмимни йиртиб, мана бу қор бетига улоқтирди. Навбат юбкамга келганида, хайрият сиз келиб қолдингиз. Агар сиз бўлмаганингизда билмадим нима қилишарди. Улар менинг иккинчи укам билан баробар эканлар. Мен муаллимлар олийгоҳининг тўртинчи босқичида ўқийман", деди. Ўзи эса, қорда ётган кофточаси, костюмининг олиб бир кўлида тутганча "хўнг-хўнг" йиғларди... Ора-орада: "Туф сендак макрух йигитларга", - дерди қиз ўзини тўхтатолмай. Ундан: - "Кўрқмадингми қизим?" - деб сўрадим қизимга ёш олиб.

- Ўз йўлимдан кетаётганда. Уччаласи бирдан ташланиб қолса бўладими. Иккитаси икки қўлимдан ушлаб турди. Биттаси чакқонлик билан ечинтиришга тушди. Аҳмоқ, тарбиясизлар!

- Қизим, ижара уйингга борганимда бир стакан сув олгин-да, унга озгина қозоннинг қорасидан ташлаб етти хўплам ич. Шундагина кўрқувингни хотирандан чиқарасан? - дедим. Сўнг қизни кузатиб, бордим. "Ижара хонам мана бу дегунча", элтиб қўйдим. У миннатдорчилик билдирганча йиғлаб-йиғлаб мен билан хайрлашди. Мен йўлимда давом этдим. Ажа-бо?! Уша кўни меҳмондорчиликда кўп ўтирмай, кўнглимга ҳеч нима сизмасдан уйга хомуш қайтдим, - дея сўзини тугатди суҳбатдошим, нафақажўр ўқитувчи кўзларига ёш олиб.

Эргаш АТОЕВ,
Навоий вилояти.

БАРАКА ТОП, БОЛАМ



Китоб киши тафаккурини кенгайтирса, газета-журналлар ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор этиб туради. Уларни ўз вақтида мухлислари кўлига етиб боришида почта ходимларининг хизмати беқиёс. Нафақага чиққан уйда ўтириб қолдим. Бундай пайтда газета ўқиш одамнинг жонига оро киритади. Айниқса "Oila va jamiyat" газетаси кўлимдан

тушмайди. Мен сеvimли газетам орқали Қамаш тумани Қизил қишлоқ алоқа бўлими ходими Назарали Тошматовга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Чунки бу инсоннинг беиминнат хизмати тўфайли менга ўхшаган ўнлаб нафақажўр ўз нафақаларини вақтида олмақда. Газета ва журналларнинг янги-янги сонларини олиб ўқиямиз. Мана 25 йилдирки Назарали устози Пардавой ака билан биргаликда 3 та мактаб, 311 нафар нафақажўрга хизмат қилиб келяпти.

Илоҳим, почтани ўлимнинг оёғи оғримасин. Менга ўхшаган кесаларнинг дуосини олиб юраверсин. Умрингдан барака топ, болам.

Қурбоноя АРЗИЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Қамаш тумани, Қалтатол қишлоғи.

Амирхўжа хотини Барно билан ўн беш йил бирга яшаб, ширин, хотиржам кунларни ҳузурланиб ўтказди. Ростдан ҳам Барноғи ўзининг бу фаслида барно десангиз барнодай, лобар десангиз лобардай қадди-қомати келишган, қош-кўзлари қол-қора, қора соч, оқ бадан жувон эди. Мана шу нари-бериси билан ўн беш йилдан кейин у доим ўтириб ишлайдиган чеварчилик касби тўфайлими, ирсий жиҳатлари шундай эканми ёки пала-партиш овқатланиши сабаблими, семириб кетди. Ўзи ўз оғзи билан таниш-билишларига: "Борган сари тўлишиб бораянман", дерди-ю, унинг олдини олишга, яъни кўп ҳаракат қилиб, кам овқат истеъмол қилишга, имкони бўлса, уйда бўлса ҳамки, бадан-

пиш вақида узок-узок йўқ бўлиб кетадиган бўлиб қолди. Қирақашлик бинойидек ҳунар экан, қурилиш ишидаги қараганда кўчада кўпроқ пул топа бошладди. Хотин киши азалдан ўзи шунанқа: эри тез-тез пул олиб келиб турса, у билан кўпам иши бўлмай қолади. Барно ҳам қўлига тушаётган жарақ-жарақ пулдан овунди чамаси, эрининг "бориш-келиш"ини суриштирмай қўйди. Эри қаерларга бориб, қаерларда қўлиб кетапти, иши бўлмади. Ўзи семириб-тўлишиб, борган сари унинг ҳам эрига бўлган қизиқтиги янада сузайиб кетди. Эр-хотиннинг шундай ҳаёт тарзига бир-икки йил бўлди, деганда бир кўни уларнинг уйига

Эр-хотинлар тоифаси

олиб келганини англамасди. Яна ҳам очикроқ изоҳлайдиган бўлсак, эри уни силаб-сийпаганида, баданини баданга талкаганида эри оладиган эҳтирос туйғулари бошқа аёллардан оладиган роҳат ҳиссига ўхшамай қолганини у тушунмасди. Навқирон пайтларидаги аёллик жозибаси аллақачон барҳам топиб кетганини у умуман ўйлаб кўрмас эди. Аёллар кўча-қўйда пардоз-андоз қилиб олиб, очик-сочик юрадиган хозирги замонда аёл кишининг буни ўйла-маслиги унинг катта хатоси эканига фаросати етмасди...

Хайтовур, Амирхўжа билан у телефондаги овоз соҳибаси ўрта-сида ҳали жиддий "яқинлашув" бўлмаган экан, Амирхўжа хотинини зўр бериб бунга ишонтирди. У аёлнинг гўёки, Амирхўжа "хотиним билан ажрашганман", деган

СЕМИРМАНГ, ЖУФТИНГИЗДАН АЙРИЛАСИЗ

тарбия билан шуғулланишга аҳамият бермади.

Уйга лўмбиллаб кириб, лўмбиллаб чиқиб юрди. Ён-атрофдаги касбдошларига: "Уни узатиб юборинг", "Мана буларни анови ерга қўйиб қўя қолинг", деб илтимос қилаверар эди. Ўзининг эса қўзғалғиси келмасди. Уйда эса ҳамма ишчи эсини таниб қолган иккита қизига топшириб қўйганди. Улар банд бўлиб қолсалар, битта-ю битта ўғлига ҳам кўрпача солдириб, хонтахта устини арттириб ўтирарди. У хиёл ҳам энгаша олмаганидан этик-туфилларини қизлари кийдириб, қизлари ечиб оларди.

Қисқаси, у турган ерида ўтирсам, ўтирган ерида ёнбошласам дер эди. Ёнбошлаганида эса олдида ҳеч ким бўлмаса, қўлоқларини узатиб юбориб, ястаниб ётишни хуш кўрар эди. Ош-овқатларнинг сархилини, бакув-ватини ейишни жонидан ортиқ яхши кўрарди. Паловхонтуранни эса иложини қилса, ҳафтасига икки марта еб турарди. "Суюқ овқат қорнимда турмайди", дерди у ишхонасидаги барча овқат-ланадиган емакдошларига.

Эри Амирхўжа эса дастлаб баъзи эркаклар тўладан келган аёлларни ёқтиргани каби у ҳам хотинини ёқтириб, "дўмбоғим" деб суйиб-эркалаб юрди. Барно эса бундан яна ҳам талтайиб кетди, чоғи: "Эрим тўла бўлишини ёқтирадилар", деб хурсанд бўлиб, ой сайин, йил сайин тўлишиб бораверди. Бир вақт келдики, эри нечундир илгаригидай унга кўпам "ёпишмайдиған" бўлиб қолди. Бунини Барно олдинига эри ишдан чарчаб келишига, ишдаги, кўча-қўйдаги асаббузарликларга йўйиб, парво қилмай юрди. Аммо бу бир кун эмас, бир ой ҳам эмас, узок давом этаверди. Кейин билса, эри ҳақиқатан ҳам хотинига нисбатан кам ҳақсала бўлиб қолибди. Шунда у: «Эрим битта-яримта аёлга айланишиб қолдимикан», деган хаёлга ҳам борди. Назоратга ҳам олди. Йўқ, ундай бўлиб чиқмади. Амирхўжа тўғри ишига бориб, тўғри ишидан келиб юрди. Бинобарин, ҳеч қандай "ноҳўж ҳаёл"ларга ўрин бўлмади.

Шу тариқа ой, йил ўтиб бораверди. Эрининг унга бўлган эркак қараш эса тбора совуқлашиб борди. Қадимги чўдгек қараб қўйишлари, кимликлари кўксига найзадек қадалашлари, оловдек бағрига олишлари қамайиб кетди. Бир кун келдики, Амирхўжа уйга кеч келадиган одат қиларди. Дам олиш кунлари дейсизми, бўш вақти бўлганда дейсизми, "Матиз"ини миниб, пул то-



ғапи уйдирма эканини тушунтирди. Уша аёлга телефон рақамини мулқлоқ бошқа мақсадда берганини айтди. Яъники, вақт-бевақт машина керак бўлиб қолгудай бўлса, унга телефон қилса, келиб хизмат кўрсатиши мумкинлигини айтганини англади. Охири-оқибат, Барно эрининг гапларига ишонди. Ишонди-ю, бундан буён эрининг ҳар бир босган қадамини кузатиб юришлигини писанда қилиб қўйди. Эри ҳам хотинининг бу писандасига кўнди. Улар ярашдилар...

Шундай қилиб, эр-хотин ўртасидаги жуфтлик ришталари таранг тортилган бўлса-да, узилмади. Жуфтлар ана иноқ, яна тотув яшай бошладилар. Фақат шу ҳангомдан бир ҳафта ўтгач, Амирхўжа ярим тунда хотинига шивирлаб: "Сен энди озши йўлларини қилгин, жуда ўзгариб кетдинг", деб қўйди. Барно шундагина фаҳмладики, унинг семириб кетгани эрига ёқмай қолди. У "хўн" деди. Уйда ҳеч ким йўғида эса уст-бошини бутунлай ечиб ташлаб, ойнак олдида қадди-бастини кўздан кечирди. Қарасаки, ўзининг ёшлиғидаги алиф қоматидан, гўзал қадди-бастидан асар ҳам қолмабди. Хунуклашиб, бесўнақай бўлиб кетибди...

Гапнинг пўст калласини айтганда, нафақат аёл киши, балки семириб кетган эркак киши ҳам ечиниб туриб ўзини кўзгуга солиб кўрса, бедаво ҳолатга келиб қолган қадди-қоматидан ўзи хуркиб кетадики, унинг "астафируллоҳ" дейишидан ўзга чораси қолмайди. Бу жиҳатдан олиб қараганда, Барно хусусида айтилган гаплар тўлишиб-йўғонлашиб кетган, қорни қаппайиб чиққан эркак зотиға ҳам тегишли бўлади. Барно эса ёшигана бўла туриб, ўзини шу аҳволга солиб қўйганидан ўзи хи-жолат кечди. Ҳар кўни кўзгуг олдида гулрухсорига пардоз-андоз беришни билибди-ю, қоматини эътибордан четда қолдириб қўйганидан пушаймон эди. "Семирманг, жуфтингиздан айриласиз", деган пардозшунос-косметологларнинг гапида ҳам жон бор эканига ишонч ҳосил қилди. Шунда у: "Бундан буён ўзимга ҳам, эримга ҳам, фарзандларимга ҳам жон томонлама эътиборли бўламан, кўнига бир килограммдан озиб бораман", - дея ўзига-ўзи сўз берди...

Ақли аёлларнинг ақл топиши осон кеначи, деганлари рост бўлсин...
Азимжон КОСИМОВ

- Мен Тошкент вилоятдан келдим. Исми Мўтабар. Тўрт ўғли бор. Ўзим ҳамшира бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим ўн йиллар олдин автохалокатга учраб вафот этди. Тўрттала ўғлимни ўқитдим, яхши жойлардан келин олдим. Лекин, кенжамни деб... - аёл кўзлари-га ёш олди.

- Ўша нима бўлган?
- Ўша эрим автохалокатга учраган пайтда у билан бирга кенжа ўғлим ҳам бор эди. Ҳалокат пайтида бошига жиддий жароҳат етган экан, оила касалхоналарда олиб ётдим. Шукр, тани-жони соғ қолди. Сал оқсаб юришини айтмасам...

- У ҳозир нима иш қилади?

ЎЗГАЛАР ДИЛИНИ ОҒРИТМАНГ!

Ишлайди, шифокорлар ногиронликка чиқаришганди, роса жанжал қилди. Ўзи сал қайсарроғу, лекин меҳрибон, оқ кўнгил йигит. Уйланмай 26 ёшгача юрди. Акалари, кеннойлари билан бир амаллаб уйланишга кўндирди. Катта келинимиз ўзи билан ишлайдиган бир қизни топди. Оддийгина оиланинг қизи экан.

- Ўша қизни келин қилдингизми?

- Худога шукр, акалариникидан кам қилмасдан тўйини ўтказдик. Эрим фарзандларимиз учун елиб-югуриб, иккита ҳовли қуриб қўйганди. Катта ҳовлига келин-куввни чиқариб юбордик. Мен ва акалари вақти-вақти билан бориб хабар олиб турардик. Яқинда борсам келиннинг қовоқ-тумшуги тушиб кетган. Бир четда йиғлаб ўтирибди. Кўрқиб кетдим, нима галгигини сўрадим.

- Айтдими?

- Аввалига индамай ўтирди. Қўшни аёллардан бири кеча келинимни сумалак қовлашга чақирибди. У меҳрибон ва оқ кўнгил бўлгани учун келимизга: "Ҳой, Дилнозахон! Келинг, сиз ҳам сумалакдан ният қилиб қовлаган. Кўчордек ўғил сўранг Оллоҳдан", - деб қўлига катта қапирни тутказди. Ўша ерга йиғилган аёлларнинг орасида бизга доимо душманлик кўзи билан қараб юрадиган Тўхта-хон исми аёл ҳам бор экан.

У чақмай туролмайди, шекилли: "Келин, ҳомилдор экансиз. Эрингининг боши лат еган, яхши ишлагаса ҳам керак-а? Бу болангизга таъсир қилиб, яна бир умр инвалид бола боқиб юрманг-а, тагин? Мияси бутун бўлса ҳам оқсоқ бўлиб туғилса нима қиласиз?" "Детдомга" топширворасизми? - деганмиш...

Келиним бу гапни эшитиб, қўлидаги қапирни ташлаб, йиғлаганча қўшиникидан

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

чиқиб кетибди... Қўшни хотин ортидан югуриб, келинимни юпатишга уринибди.

- Кейин нима бўлди?

- Келинимнинг ой-куни яқин эди. Шу совуқ гап таъсир қилдим, ишқилиб боласи вақтидан илгари туғилди. Ҳозир у туғруқонада, боласи эса "вакуум"да ётибди. Яшаб кетиш-кетмаслиги ҳали номаълум, дейишди шифокорлар. Биласизми, бориб ўша Тўхтахон билан жанжаллашиб, аламиндан чиқиб келсаммикан? - деб ўйлаётган.

Бунинг устига келиним онасига: "Мен энди Сарвар акам билан яшайман, ажрашаман. Бўлмаса одамлар менинг ҳам,

Хизмат тақозоси билан Меҳрибонлик уйига борганимда Мухлиса исми қиз билан суҳбатлашиб қолдик.

- Оилада тўрт қиз эдик, дея сўз бошлади Мухлиса. Кетма-кет қизлар туғила-вергач: сен фақат қиз туғасан. Ичингни қиз босиб кетган, деб отам онамни ташлаб кетдилар. Балки бунинг бошқа сабаблари ҳам бордир. Мен ўшанда 11 ёшли қизалоқман. Онам бизни боқишга қийналар-

қараб - қараб қўяман. Ундаги отасининг исми деган жойга Каримберди деб ёзиб қўйилган. Онамнинг исми Наргиза. Қанийди ота-онам ҳамиша ёнимда бўлишса. Балки ҳаётнинг баъзи қийинчиликларини енгишим осон кечармиди. Тунлари уйғониб кетсам деразадан ойга қарайман. У гоҳи тўлган бўлди. Гоҳи ярим. Кўнглимни баъзан тўлиб-тўлмаган ойга ўхшатаман.

Йўл-йўлакай суҳбат

уйда тураимиз. Мен уларга ҳам опа, ҳам оналик қиламан. Тез оёққа туриб олаимиз насиб этса.

- Қишлоққа, онангизни ёнига борингиз келмайдими?

- Боришни жуда истайман, лекин бу ерда сингилларим ёлғиз қолишадиди-да. Уй олволсак онам билан кичкина синглимни ҳам шу ерга кўчириб келаман. Шунда тўрт кўз тугал

КўНГИЛ БЎЛИНМАСИН ЭКАН...

ди. Уйимиз тоғ этагида жойлашганди. Қуруқ чой тополмаганда янтоқ баргини қайнатиб ичган дамларимиз бўлган. Ахйри уч қизини Меҳрибонлик уйига олиб келдилар. Уч опасингил шу ерда ҳаловат топдик. Таълим олдик. Мен табиат манзараларини чиқишни яхши қураман. Қишлоғимизнинг кўзимда қолган суратларини бизяман. Яна онамнинг бизни кўргани келганда панжарага суянган ҳолатларини... Яқинда паспорт олдим, - дейди қиз узун киприklarини пирпиратиб. - Тарбиячи опаларим табриклаймиз, дейишди. - Ўшанда яна ота-онамни эсладим. Ҳаётимдаги шундай қувончли кунда ёнимда йўқликларидан ўқиндим. Паспорт ичидagi отаси, онаси деган жойига

Ой ҳамиша бир зайдда турмаслиги мумкин. Лекин инсон бир-бирининг кўнглини ярим қилмасликнинг иложи бор-ку. Фақат ўлимгина одамни бир-бирдан ажратиши мумкин. Худо хохлаб оила курсам, ҳечам болаларимни ёлғизлатиб қўймайман. Меҳрибон она бўламан. Турмуш ўртоғим ҳам болаларга меҳрли бўлиши учун ҳамма нарсани қиламан. Майли, булар кейинчалик бўладиган гаплар.

Мен яқинда ўқишни битириб бу ердан кетяпман. Сингилларимнинг тақдирини нима бўлади? Менсиз нима қилишаркин? Рассомлик институтига ўқишга кириб, яхшиси, шу ерга яқин жойдан ижара уй топаман. Сингилларимдан хабар олиб туришимга осон бўлади. Кейинчалик ҳаммамиз бир

ЭКАН...

бўлардик. Мухлисанинг чизган суратларини томоша қилдим. Бир суратда ёмғирли кун тасвирланган. Барглар сарсон шамолда учиб юрибди. Яна бир суратда иккига бўлинган қовоқ тасвирланган. Яна бирда йўл иккига бўлиниб кетади. Ҳаммасида негадир айрилик, бўлиниш бор. Бу балки унинг ҳаёти, руҳиятидаги ҳолатлар таъсиридандир. Қизни тингларканман, бир нарсани тушундим. Инсоннинг кўнгли ҳеч қачон бўлинмасин экан. Ота, айниқса она фарзандига яқин бўлсин. Токи боланинг уларни эслатадиган азиз хотираси бўлсин.



болаларимнинг ҳам устидан қулиб юришади", - деганмиш... Ҳозир нима қилишга ҳайронман. Яхши ҳамки бу гаплардан ўғлимнинг хабари йўқ. Сарваримга айтмаслигини ялиниб-ёлвориб сўрагандим. Ҳозирча айтмади. Лекин агар келиним ажрашиб кетса-чи?.. Билмадим боламнинг аҳволи не кечади?

Биз ҳеч кимга ёмонлик қилмагандик-ку! Нега одамлар шунчалик ёмон, бировнинг бахтини, яхши кунини кўра олишмайди? Энди ўғлим бу гапни эшитиб қолса-чи? Бир бефаросат аёлнинг аччиқ сўзи билан боламнинг оиласи бузилиб кетса нима бўлади? Аёл кетгач ўйлаиб қолдим. Ўша, келиннинг кўнглини синдирган Тўхтахон опага шу гапларни айтгим келди.

Тўхтахон опа, ўз фарзандингизнинг бошига ҳам шу каби қулфат тушса нима қилардингиз? Чунки бировга қилинган ёмонлик қирқ йилда эмас, қирқ кунда қайтиши тайин...

Бировнинг камчилиги устидан қулиб, айбиситиб бўлмайди. Хали ҳам бўлса кеч эмас. Мўтабар опадан ҳам, унинг келинидан ҳам кечирим сўранг. Бу ёш оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлманг.

Азиз мухлислар! Бу аёлга сиз нима деган бўлардингиз?

ГУЛБАШАКАР

Кўнгирақларингиз...

- Мен Сурхондарёданман, - деди ўзини Собирахон деб таништирган аёл. - Юрагим тўлиб кетганидан сизларга кўнгирақ қиялман.

- Дилингни хуфтон қилган нарсани нима экан?
- Яккаю ёлғиз қизим бор. Шунинг тўйига ҳозирлик кўраётгандим. Онам кириб келдилар. Кўрпача тўша, дастурхон ёздим. Ҳол-аҳвол сўрашга онажон, сиз қай-қай ўтира туринг. Мен қолган ишларимни ҳам давом эттирай, дедим.

ОНАМДАН ДИЛИМ ОҒРИДИ

- Майли, чойнакни мана бу ерга қўйиб дастурхонни йиғиштириб олавер, - деб ўзлари қаравотга чиқиб ўтирдилар. Ёнбошига юмшоқ ёстиқлар қўйдим. Ўзим ишимни давом эттириш учун ўғилчам ёпинадиган кўрпанинг жилдини очиб, пахта-сини ажратиб олдим. Пахта-лар эскилигидан титилиб кетганди. Уларни бир-бирига улаб тикдим. Кичкина қай-чичам бор эди. Ўткиргина бўлгани учун бичиш-тикиш ишларига кўпчила шу қай-чичани ишлатардим. Пахта-ни қайта жилдига солиб қави-гач, шу қайчи керак бўлиб қолди. Излайман, қани топила қолса... Ўзи кичкина нарсас бўлса, ичида қолиб кетгандир, деб қави-гач кўрпани ушлаб-ушлаб кўрдим, қўлга ботмади. Топилавермагач, қавикларни қайта сўтдим. Онам қаравот-да қилаётган ишимга қараб

ётибдилар. Ора-сирода пиёладаги чойдан ҳўплаб қўядилар. Уланган пахта-ларни бир бошдан ушлаб кўрдим, топилмади. Икки букилиб кўрпани қайта қавидим. Шу билан вақт ҳам тушликка яқинлашиб қолди. Ҳадемай болалар мактабдан келади деб тушликка ҳозир-ландим. Улар келгач, ҳамма-миз бирга ўтириб овқатландик. Болаларга ҳам қайчини излаттирдим, барибир то-

ОНАМДАН ДИЛИМ ОҒРИДИ

пилмади. Орадани бир ҳафта ўтгач, укам ховлиқиб кириб келди.

- Опа, онажонимнинг оёқларига қайноқ сув тўки-либ кетди. Тез бораркансиз, - деди.

- Онамни кўраганим югурдим. Мен билан кетма-кет маҳал-ла шифокори ва ҳамшира-лар кириб келишди. Она-мнинг аҳволи яхшимадди. Қайноқ сув қорнидан тизза-сигача илвиратиб юборган-ди. Буни кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Келиним она-мининг устига чойшаб ташлаб қўйганди. Докторлар кўриб: "Пуфакчаларни кесмасак бўлмайди. Аксига олиб қай-чимиз эсдан чиқибди", - дей-ишди. Келиним кичкинагина қайчица олиб чиқди. У би-рам кўзимга иссиқ кўринди-ей. Қаердан олдиларинг, деб сўрасам: "Қайдам, яқин-да пайдо бўлиб қолди", - деди. Мен ўз қайчимизни

танигандим. Онажоним эса оғриқдан ингарди. Дўхтирлар қайчини спирт билан тозалаш, пуфакча-ларни кеса бошлашди. Ҳамширалар гўё пуфакча-лар билан бирга менинг ўз онамга бўлган меҳр риш-таларимни ҳам кесиб таш-ларди. Ахир ўшанда менинг мазам йўқ эди-ку. Буни онам биларди. Оғриб тур-ган буйрагим билан икки букилиб битта кўрпани икки марта қавидим. Ди-лимни оғритиб (ўғирлаб дейишга тилим бормаяпти)

ОНАМДАН ДИЛИМ ОҒРИДИ

олган нарсаси яхши кунига ярамади-ку. Ҳозир янги қайчи олдим. Тўй ўтиб, чарчоқларим ҳам унутилди. Лекин дилимдаги чандиқ-ларни вақт даволай олар-микан? Сиз: "Битта қайчи-ни деб ўз онасидан ҳам на-фратланадими қиш", - дер-сиз. Онам нуқул ўғиллари-нинг тарафини олади. Биз — қизларни хафа қилгани-қилган. Неча бора дилимни оғритганлар. Буниси ҳамма-сидан ошиб тушди, - деди Собирахон хайрлашаётиб.

Унинг ўз онасидан хафа бўлаётгани мени ўйланти-риб қўйганди. Қайси она ўз боласининг буюмини олиб, яна уни жимгина, хотиржам кузатиб туради. Афсуски, оналар ичида бундайлари ҳам бор экан. Собиранинг дил жароҳатларини чинда-нам вақт тузата оладими, сиз бунга нима дейсиз? **Дилором ИСМОИЛОВА**

“Дўст бўлсанг менга ишон”, -3-сон.

ЭСАЛТА: Собир билан болаликдан дўстмиз. Мактабни битиргач институтда ўқидик. Кейин ишга кирдик. У билан бирга ишлаб бошладик. Кейинчалик у ишларини менга ташлаб, ичадиган, пулга хиёнат қиладиган бўлди. Бир куни Собирга тегишли пулни хотинига бердим. У эса бундан ранжиб, мен билан жанжаллашди. Айбим нима?

Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева

лингизни еб, қилган яхшилигингиз эвазига юзингизга тупириб, ёқангиздан олган экан, у сизга дўст эмас! У сизнинг ютуқларингизни, топиш-тутишингизни кўролмайдиган одам! Бахилнинг боғи кўкармаганидек, ишлари ҳам юришмайди. Бу кўрнамак дўст сизнинг андуҳингизга, изтиробларингизга арзимади. Сиз уни ўз ҳолига қўйиб қўйинг. Агар ақли бўлса, кўзи очилса, бир куни қилганларига пушаймон бўлиб, сиздан кечирим сўрайди. Мабодо кечирим сўрамаса ҳам парво қилманг. Бундай ноинсоф юзсиз дўстингизни худога солинг.

Халқимизда: “Яхшилик қил, дарёга ташла”, деган мақол хўп топиб айтил-

дирибман. Ишхонадаги унга қарши бўлганларнинг ҳаммасига бир ўзим қарши туриб, қанча олиб-югуриб, ҳатто вилоятгача бориб, туман раҳбарлари билан сан-манга бориб, уни не азобда ишига қайта жойлаштирдим. Аввалига ўша дугонамга ярим ставка иш беришди. Кейинчалик иши бир ставка бўлди. Шундан бошлаб бир ишхонада ишласакда, мен билан салом-алиқни йиғиштирдим. Кўчада кўрса, кўрмаганга олиб ўтадиган бўлди. Уни ишдан ҳайдаганлар: “Бу аёлнинг ёнини олманг, бу аёл яхшилиқни ҳам билмайди, бировга ҳам яхшилик қилмайди”, деб мени неча бор огоҳлантиришди. “Куни келиб яхшилик қилганингизга пушаймон бўласиз”, дей-

ишди. Мен уларнинг гапига парво қилмадим. Унга ёрдам беравердим. Сизга ўхшаб, пул ҳам бердим.

Бир куни унга: “Мен сенга ёмонлик қилганим йўқ-ку. Нега менга чаппа қарайсан?” - десам, юзсиз нима дейди дег: “Нима, мен сизга таъзим қилайми?” - деса бўладими?!

Эссиз, бу дугонамни деб чеккан изтиробларим, югурганларим, асабийлашганларим... Энг қизиги кейин бўлди, шу дугонам қизини турмушга берди. Шунча одамни айтган тўйига ёлғиз мени айтмади. Икки ой бурун уйим олдидаги ресторанда неварасига бешик тўйи

Дўстлик — ПОКИЗА ТҮЙҒУ

Ушбу мақолани ўқиб, ниҳоятда таъсирландим. Аслиддин, укажон! Шунча яхшиликларингизга тулурган дўстингизни аслида нима дейишга ҳам ҳайрон қолдим. Сиз сира ҳам изтироб чекманг...


Қадимда икки дўст бўлган экан, бири бой, иккинчиси камбағал. Бойи дўстига чин дилдан ачиниб, яхшилик қилса, камбағали очидан ўлса ўлар экан-у, лекин дўсти берган ёрдамни олмас экан. Бориб-бориб ўта ночор аҳволда қолган камбағал дўстига ачинган бой йигит: “Дўстим қўлига берсам олмайди, уйига элтсам олмайди”, деб бир ҳийла ўйлаб топибди. Бир халтачага олтин тўлдириб, уни камбағал дўсти ўтадиган йўлга худдики тушиб қолгандек қилиб қўйибди-да, ўзи яшириниб олиб, уни пойлабди. Бой: “Дўстим бу олтинни топиб олдим, деб ўйлаб, кам-кўстига ишлатар”, деб ўйлаган экан. Кўп ўтмай, камбағал йигит йўлдан ўтиб қолибди-ю, олтин тўла ҳамённи бир тепиб, йўлида давом эттибди. Буни кўриб турган бой йигит: - “Э, бу кунингдан баттар бўлмайсанми”, деб ноилоқ дўстидан кечган экан.

Сизнинг дўстингиз эса шунча пу-

ган! Мен ҳам сизга ўхшаб, дўстдан куйганларданман. Ажабо, қанча дўстларимга яхшилик қилган бўлсам ҳаммасидан ёмонлик қайтди. Айниқса биттасиники ҳаммасидан ошиб тушди. Келинг, яхшии шу ҳақда сизга гапириб берай.

Мен 20 йил давомида маданият бўлимида ишладим. Бошқа бўлимида бир дугонам бўларди. Нима бўлди-ю, ўша дўстим ўз бошлиғи билан сан-манга бориб қолиб, ишдан ҳайдалди. Ҳа, шармандаларча ҳайдалди. Билсам, у бўлим бошлиғи-ю, директор орасига нифоқ солиб, уриштирган экан.

Мен аҳмоқ эса ҳамма юз ўғирган бу аёлдан кўнгил сўраб, уйига борибман! Бу ҳам етмагандай шу кундан эътиборан бу дугонамни яна ишхонага - ўз иш жойига жойлаштириш учун жон куй-



қилди, яна мени айтмади. Ҳолбуки, ён қўшнимни айтган тўйига мени айтишни “унутди”.

Шу “дўстим”нинг жамолини кўрмай, деб ишдан ҳам бўшадим. Мана 6 ойдирки, уйда ўтирибман. Бир келиб: “Ҳа, қандайсан?”, дегани йўқ. Мен бу “дўстим”ни қарғамайман ҳам, унга ёмонлик ҳам тиламайман. Моддий етишмовчилик ҳам, маънавий етишмовчилик ҳам ундан кўра менда кўп! Лекин ночор бўлсам ҳам ундан ҳеч нарса тиламадим. Кўчада кўрса, кўрмаганга олади-ю, моддий кўмак берармиди?! Тўйига таклиф қилмайди-ю, маънавий кўмак берармиди?! Мен уни ёлғиз худога солдим! Менда ҳам бола-чақа бор, менда ҳам набира бор, мен ҳам тўйлар кўраман, насиб бўлса!

Ўша дўстимни менга берган озорлари, қилган яхшилигимга қайтарган жабрлари, ҳеч қурса, тўйига таклиф қилмай, дилимни оғритганларини - ҳамма-ҳаммасини худога солдим! Аслиддин ука, сиз ҳам ўша бетуруқ дўстингизни деб изтироб чеккиши бас қилинг!

Саломат МАМАТҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти,
Тайлоқ тумани.

- Битта-ю битта ўғлимни уйлантириб кун кўраманми деб ўйлагандим, пулларим ҳаром экан, келиндан ёлчимадим. - Зеби хола ҳамсухбатининг бир нима дейишини кутиб бирпас жим турди, аммо садо чиқмагач ўзи яна давом этди. - Нима эмиш, "ҳеч ким онасининг қорнидан расо келин бўлиб чиқмаганмиш, битта-яримта камчилиги бўлса ичимга ютиб ўтиравармишман". Ютиб бўлман. Кучук очилиб, жўжани еса, индамасам, сут тошиб, тагига олса, индамасам, бир тоғора хамирни ачитиб,



расво қилса индамасам, мен нима қилиб юрибман ўзи қайнона бўлиб...

Тўхта холадан ҳамон садо чиқмасди. Қизлар дам оналарига, дам холага қараб, қани, охири нима билан тугаркин, дегандек кутишарди. Оналари айтаётган айблов сўзлар улар учун янгилик эмасди. Қайнона-келиннинг гапи қочгани сабаб зудлик билан чақиртирилган қизлар эрталабдан бери онанинг жаврашларини эшитавериб, кулоқлари қотган, ҳақиқат ким томондалигини ажрим қилолмай бошлари гаранг эди. Тўхта холанинг ташрифи улар учун айни мудоао бўлди. Сарақ-саракка, пучак-пучакка ажратилади энди. Аммо зап-тоин-да ўзиям Тўхта хола. Хамиша айни керак пайтда ҳозир бўлади. Бир нима-ни сезади чамаси. Очигини айтганда, Зеби холани измига соладиган куч фақат шу дугонасида бор. Бугунги машамага чек қўйиб ҳал қилув қарори чиқариш фақат мана шу одамнинг қўлидан келади. Қизларнинг тоқатлари тоқ бўла боргани сари Тўхта хола шодай демасди. Овқат ейишни бамайлихотир

давом эттирди.

- Гапирдинг-гапирмадинг боласини пеш қилади, - жаврашда давом этди Зеби хола, - хали ухламади, дейди, хали касал дейди. Ахир биз ҳам келин бўлганмиз, ҳам беш болани тарбиялаб, ҳам қайнона хизматини қилганмиз.

- Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, Зеби, келинлик даврингни яхшироқ эслаб кўр, - деди ниҳоят Тўхта хола лабларини сочиққа арта туриб. - Айт-чи, турмушга чиққанингда неча ёшда эдинг?

Зеби хола "билмайсан-а" дегандек юзини бир томонга бурди.

- Биламан, 21 ёшда эдинг. Келиннинг эса мактабни битирар-битирмас "ўзим тарбиялайман" деб онасининг холи-жонига қўймай тушириб олдинг. Кўп жаврамасдан тарбиялагин-да энди.

- Тарбиялашга кўнадими ўша, бу маҳмадонга гап уқтириб бўлармиди, - деди Зеби хола норози оҳангда.

- "Мол эғасига ўхшамаса ҳаром ўлади", деганлари шу-да, - деди Тўхта хола кулгига олиб. - Яхшироқ эслаб кўр, келинлигингда ўзинг ҳам тилликкина,

гап деганда ўнта қайнонани ора йўлда қолдирдинг. Ҳозир ундан баттар эзма бўлгансан.

Қизлар холанинг гапига оғизларини тўсиб, кулмоқчи бўлишди-ю аммо унинг бирданига жиддий тортиб, дағдагага ўтганини кўриб ўзларини тийишди.

- Ҳой, овсар, келин бўлиб сен ҳам, мен ҳам қайнонамизга осмондаги ойни олиб берганимиз йўқ, эсингдами, ё доғлайман деб бир қозон ёғни куйдириб юборганинг ёки қозонни оқартириш учун оловга қўйиб ўзинг кириб уйқуни урганинг. Яқин-яқинга бадағга бўлганинг қозонда овқат қилардинг. Ёки ошни эплай олмай охири шавлага айлантириб юборганларинг ёдингдан кўтарилди-да? Хўп, булар ҳам ёлғон дейлик, онасига гап қайтарганинг учун эрингдан тарсаки еб, уч ой онангни бадағга бўлганинг ёдингдир, балки?

Тўхта хола кетма-кет зарбарлар билан дугонасининг шаштини анча пасайтиргач, очик ҳужумга ўтди:

- Ўв, ўёғини олсанг, сен қайнона хизматини эмас қайнонанг сени хизматингни қилиб дунёдан ўтди. Ўғил туғаман деб ҳар йили битта қиз қатор қилардинг. Икки ёнида икки бешик билан қайнонанг бечора эрталабгача алла айтиб чиқарди. - Тўхта хола томоғи қақради шекилли олдидаги совуқ чойдан бир хўплаб давом этди. - Энди кунинг қизларни атрофингга тўплаб, келинга қарши қайрашга қолди-ми? Ҳечам-да! Манави ўртанчанг менга кўшни туради.

Рўзгорида нима сиру синоати бор, ҳаммасини биламан. Лекин қайнонаси бирон марта кўчага чиқиб "дод" солгани йўқ. Қизларини тўплаб, мажлис қилгани йўқ. Ҳалиям Ҳудо сенга билиб битта келинни раво кўрибди, иккита бўлганида борми, бутун қишлоққа жар соларкансан-да?! Уял-э, асли ёшлигингда ҳам ақлинг йўқ эди сенинг, биби бўлиб ҳам қуюлишни билмадинг... Келинга минг битта айбни қистиргунча аввал ўз ёқангни ҳидлаб кўрсанг бўларди...

Тўхта хола сўридан тушди-да этганини бир қоқиб, кўча томон йўналди. Дарвоза олдини сув селип сулураётган келин билан кўришди. Унинг пешонасидан ўптида: "Бор, келин, қайнонангни кўнглини топ, анча ҳовури пасаиди, шекилли", - деди-ю ханг-манг бўлган келинни яққа қолдириб хансираганча дарвозадан чиқиб кетди. Тўхта хола бу гал ҳам дугонасини мағлуб этганини сўридагилар дилдидан ҳис қилиб туришарди.

Зухра ҚУРБОНОВА, Бухоро вилояти.

Ойниса буви одатига кўра узоқ дуо айтиб дастурхонга фотиҳа бердию, набира келини Саломатга "кетди" қабилида ишора қилди. "Энам тушмагур-ей, - ўйлади келинчак. - Ичига ўт тушиб, дастурхонни йиққунча-ям тоқат қилолмай қолди-лар".

Буви сўридан тушди-ю, устунга суялган хассасини пай-паслаб қўйди:

- Ҳечқиси йўқ, мана бу асо билан боғлаб бир - икки туширсам эси кириб қолади. Ажралишармиш-а! Мен у тан-нозга кўрсатиб қўяман ҳали! Бизнинг авлодда ажралиш бўлмаган, бўлмайди ҳам! Ҳап сеними!

Саломат "пик" этиб кулди-ю, кампирнинг шаштидан кўриб, дарров лаб-лунжини йиғиштирди.

- Ўзи қанақа қариндош бизга ўша Лола?

- Жуда узоқ, лекин авлодимизнинг битта томирига боғлиқ жойи бор. Э-э, суришсанг, бу яқин-ўртада бегонанинг ўзи йўқ.

Икковлари тор кўчада кетиб боришаркан, онахон ҳамон куйиниб гапирар эди.

- Уйи эсимда йўқ, кўрсатиб қўйсанг бўлди, ўзим адовини бераман. Бизнинг авло-

димиз паранжисини ёпинган биронта келин бунақа ноҳўя иш қилмаган. Икки ойлик келин онасиникига бориб олса-я!

...Ўзи ҳам бир пайтлар ҳаяжондан энтикиб ўша паранжини ёпинган.

- Бу етти пуштимиз шаъни,

хосиятли ёпинчик, - уқтиришган унга ўшанда. - Энди сен ҳам унинг ҳимоясида бўласан.

Кўшгани билан қўша қари! Агар аъналаримизга зид иш қилсанг, билиб қўй, катта моларимизнинг руҳлари чир-қирайди.

Мана, ўша ақидага амал қилиб, кам бўлгани йўқ. Чоли раҳматлик билан қирқ йил то-тув яшади, бир кўрғон бола-чақали бўлди. Паранжини асраб - авайлаб, неча - неча гул-юз набираю - абираларига ёпинчик қилиб янги маконига кузатган. Келинчакларнинг онига шундай қутлуг кунда айтилган ўғитлар сингиб кета-

дими, ё чиндан ҳам паранжининг сирини борми, тушган жойида тиниб - тиничи кетишади.

Иттигани шу Лола деганлари билан қилиб чиқариб ўтирибди.

- Манави яшил дарвоза, ана. Кампирнинг хаёли бўлинди.

Ҳа, эслади, ўтган йили кўяр-да - қўймай сумалакка олиб келишганди. Шаҳд билан дар-

воза эшигини очиб, тўғри кириб борди. Ток соясига саб-

зи тўғраб ўтирган ясан - ту-санли келинчак сапчиб ўрни-

дан турди. Бувининг авзойи-ни кўриб, салом беришга ҳам

тили келишмай тош қотди. - Ҳой, келинпошша, оинг-ни иссиқина бикингга кириб олиб ўтирибсанми? Чақир Ри-

солатни!

Бирпасда бутун оила йиғилди. Ҳамма хайрон. Кўпни кўрган аёл - Лоланинг онаси Рисолатгина бир нимани англагандек бўлди.

- Ҳой қиз, сенга табаррук паранжини ёпинтириб, никоҳинг тепасида турганим ёдингдими? Келинчак кўзларини пирпира-

тиб, кўрқа - писа бош ирғади. - Ушанда айтгудим-а, тош

тушган жойида оғир, деб. Сен нима ишлар қилиб юрибсан?

"Ўлдим, куйдим" деб теккансан, биламан, икки ойда араз-

лашнинг нимаси? Момоларимиз шаънига доғ туширмақчимисан ҳали.

Кампир қандай қилиб хассасини кўтарди-ю, қачон Лола-

нинг гарданига тушириб қол-

ди - ҳеч ким илғаб улгурмади. Ҳовлида қий - чув кўтарилди. Келинчак токни айланиб

қочар, буви эса эпчилликда ундан қолишмас эди...

Хуллас, аразчи келин уйдаги можаро тавба - тазарру билан яқун топди. Албатта, Лоланинг тавбаси билан. Шу бугун оқшомдаёқ янги оиласига қайтиш ҳақидаги ваъдани эшитмагунча чақирилмаган

меҳмон ҳовуридан тушмади. Кетарда эса кечкурун қув-

нинг ўзи келиб олиб кетишини таъкидлади - Ойниса буви учун бунақа ишлар чикора.

Яна икковлон эргашиб уйга қайтишди.

- Эна, ўзи нимага ажралишмоқчилигини сўраб кўрмадингиз - ку, - деди ўз тенг - қурига жони ачиб

Саломат.

- Э-э, недон, сўрашга ҳожат борми? - қўл силтади буви.

- Бунақа тегманозиклар эри хуррак отсаям "ажрашман" деяверади. Ёш-да, гўр. Оила муқаддас ҳилқат, енгил ўйлаш кетмайди. Уйлашни билмаганларга эса ўргатиб

туриш керак. Бу - катталар учун фарз.

...Орадан бир йил ўтиб, чақалоқ кўтарган Лола қувё бола билан етаклашиб кириб келди. Омонлашиб сўрига ўтиришди. Лола бироз

уялиқираб тургач, бор журъатини тўплаб Ойниса бувига юзланди.

- Энажон, сиздан жуда миннатдоримиз, ўшанда оиламизни сақлаб қолдингиз. Аҳмоқлик қилиб қўйишимга бир баҳя қолди. Энди шу ўйилчамизга ўзингиз исми қўйиб берсангиз.

Ойниса бувининг табассуридан гўё бутун олам равшан тортгандек бўлди...

Гулҷехра АСРОНОВА, Фарғона.

ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИГА ЁРДАМ

Узоқ давом этган панкреатит зўрайганда сизга лимон-петрушка-саримсоқлиёз аралашмаси ёрдам беради. 1 кило лимонни пўстлоғи билан данакларидан ажратиб олиб, 300 г. петрушка ва 300г. саримсоқлиёз қиймалагичдан ўтказилади. Бу аралашма сирли кострюлкага солиниб 2 hafta тиндирилган, кунига 3 маҳал овқатдан 15 мин. олдин 1 чой қошиқдан истеъмол қилинади. (Аралашмани 1/3 стакан ўтлар дамламаси билан ичиб юборинг. Дамламага ёввойи ертут барглари, ловия кўзоғи ва жўхори попути аралашмасидан тенг миқдорда олиб майдаланади. Бу тўпландан 1 ош қошиғини термосга солиб, устидан 1 стакан қайнаган сув қўйиб, эрталабгача тиндирилади.)

ЮРАК ОҒРИГАНДА...

Агар юрагингизда, кўрак суяги остида оғриқ ва беҳузурлик ҳис қилсангиз, яхшилаб—жойлашиб ўтириб олинг. Хар иккала қўлингизни жимжалогидан бошлаб, бармоқ учига қарата уқаланг. Сўнг хар бир бармоқни тирногингиз бошлардан жойдан ташлаб чикинг. Бу усул аритмияда, тахикардияда ва қон босими ошганда ёрдам беради.

ҚИЗИЛМИЯ (СОЛОДКА) ИЛДИЗИ - ГРИППГА ҚАРШИ

Грипп соғлигингизга хавф солишни бошлаганда, сизга қизилмия илдизи ёрдам беради. Бунинг учун қизилмия илдизидан 1-2 қошиғини термосга солиб, устидан 1 стакан қайнаган сув қуясиз ва 15 дақиқа тиндирасиз. Кейин уни сузиб олиб, овқатдан олдин 1/2 стакандан ичасиз. Қарабсизки, грипп сизни енголмайди.

ТУХУМ - ГОВМИЧЧАГА ҚАРШИ

Говмиччадан тезроқ кутулиш учун тухумни сувда қаттиқ қилиб пишириб олинади ва иссиқликда тоза сочиққа ўраб, говмичча устига қўйилади. Бу муолажа говмиччани тезда йўқотади.

ҚОВОҚДАН НИМА ТАЙЁРЛАШ МУМКИН?

Қовоқ - бу жуда ҳам фойдали маҳсулот бўлиб унинг сийдик ва сафро хайдовчи хусусияти бор. Хар хил ҳолатда пиширилган ҳам қовоқдаги шифобахш хусусиятлар сақланиб қолади. Қовоқдан тайёрланган таомларни камқонликда, синганда, куйганда ва юқумли касалликлар билан оғриган беморлар ейишса катта фойда беради. Қовоқдан қилинган бўтқанинг қуввати кам бўлганлиги учун қанд касаллиги бор ва семиршига мойил бўлган инсонлар истеъмол қилишлари мумкин.

Қовоқнинг шифобахшлиги унинг таркибда фойдали элементларнинг қўлпигидандир. Унинг 100 гр. да: 1г. оксил, 0,1г. ёғ, 4,4 углеводлар, 2 г. истеъмол толарли мажвуд. Қовоқнинг айрим турларида 8 г. гача шакар борлиги учун уни мураббо ва мева қиймидан ширинлик қилишда ишлатиш мумкин. Қовоқ этида жуда ҳам кўп каротиноидлар (100г. қовоқ этида 1,5 мг), калий (100г. да 204мг.) ва рух (100г. да 240мг.) бор.

Қовоқнинг уруғлари - ички аъзоларда бўладиган аскарарида, острица, лентасимон ва бошқа турдаги гижжаларни туширишда ёрдам беради. 300г. ховончада майдаланган уруғига 50г. асал солиб аралаш-

МИЛКЛАР ҚОНАСА...


Милк қонашини халқ табобати орқали даволаш мумкин. Бунинг учун аввало, дорихонада тайёрланган аччиқтошли эритма ва ош тузининг аралашмаси билан милклар ишқаланади (2:1). Яна бир

Маслаҳатхона

усул шундай: 1 ош қошиқ асалга 1 чой қошиқ ош тузини (эриб кетгунча) яхшилаб аралаштириб оласиз. Ушбу қоринга билан кун ора милкларингизни ўқалайсиз. Қолган кунларда эса аччиқтошли эритмадан фойдаланасиз.

ЛАВЛАГИ - ҚОН БОСИМИГА ҚАРШИ

Иккита катта лавлагини ингичка қилиб (1x2см) тўғранг ва қайнаб турган сувга солиб, бир соат давомида ёғоч қошиқ билан аралаштириб туринг. Тайёр бўлган аралашма 3 литрли сирли кострюлкага сузиб солинади. Унга 3 стакандан шакар, асал, 1/3 чой қошиқ қуруқ ачитки ва 1 та лимон шарбати қўшилади. Яхшилаб аралаштирилиб, 3 литрча қайнаган сув солиб, қолқоғини ёпинг, 12 соатча турсин. Кейин қваснинг кўпигини олиб ташланг, уни 2-3 та елим идишларга қўйиб, қолқоғини ёпинг-да, музлатгичга



қўйинг. 10-12 соатдан сўнг қон босимини туширадиган қвас тайёр бўлади.

ГЕМОГЛОБИННИ КЎТАРИШ УЧУН!

Агар гемоглобингиз паст бўлиб, ўзингизни қувватсиз ҳис қилсангиз, сизга мана бу усул ёрдам беради. Олча шохчаларидан 10 см. узунликда синдириб олинг (уларни йилнинг хар хил пайтида олиш мумкин). Шохчалардан 6-8 тасини 1 литр қайнаган сув солинган

сирли идишга солиб, 15 минут паст оловда қайнатинг. Сўнгра бу дамламани идишни сочиқ билан ўраб, эрталабгача тиндириб қўйинг. Дамламани кунига уч маҳал овқатдан 30 минут олдин ичиш тавсия этилади. Даволаниш мuddати - бир ой.

ПИЁЗЛИ ШАРБАТ


Узоқ вақт давом этган холецистит сизни қийнаётган бўлса, мана бу шарбат жонингизга оро киради. Уни тайёрлаш жуда осон. Бунинг учун 500 гр. аччиқ пиёзни майдалаб

тўғрайсиз, устига 1 стакан шакар солиб аралаштирасиз ва газ духовкасида аралашма сарғайгунча пиширасиз. Уни 1,5 ош қошиқдан оч қоринга истеъмол қиласиз.

ТОШНИ ЭРИТИШ УСУЛИ...

Агар ўт қопингизда тошлар пайдо бўлган бўлса, уни табобатимиздаги қадимий усул билан йўқотиш мумкин. Бунинг учун сизга оддий укроп керак бўлади. 2 ош қошиқ укропга 2 стакан қай-

наган сув қуясиз ва 15 минут паст оловда қайнатасиз. Совуғандан сўнг сиздириб олинади ва 1/2 стакан иссиқ дамламани кунига 4 маҳал ичинг. Даволаниш мuddати 2-3 hafta.



тирилади. Тайёр бўлган аралашма оч қоринга бир соат давомида ейилади. 3 соатдан сўнг ичи сурадиган дамлама ичиб, 0,5 соатдан кейин эса қилизма қилинади.

Қовоқли салат. 200 г қовоққа - 40г. сабзи, 25г. селдер илдизи, 35г. укроп, 100г. майонез керак бўлади. Қовоқ гўштини майда тўртбурчак шаклида кесилади, сўнг сомонча шаклида тўғралган сабзи ва селдер қўшилади. Уларни майонез солиб яхшилаб аралаштириб устига укроп сеппиб қўйган ейилади.

Қовоқли бўтқа. 400г. қовоққа - 2 ош қошиқ сўк, 2-3 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1/2 стакан суг ва 1 ош қошиқ шакар керак бўлади. Тўртбурчак қилиб тўғралган қовоқни суг билан

чала пишгунча димлаб пиширилади. Кейин ювилган сўк, шакар ва туз солинади. У паст оловда пиширилади. Тайёр бўлган бўтқа газ духовкасида туриши керак.

Қовоқли шўрва. 500г. қовоққа - 60г. сабзи, 25г. ун, 20г. томат, 800г. суг, 35г. сарёғ, 400г. сув. Тозаланган қовоқ ва сабзини қайнаб турган сувга солинади ва юмшагунча пиширилади. Кейин элакдан ўтказилиб ва унга ун билан томатни сувда аралаштириб устидан қўйилади. Тайёр бўлишидан 10 минут олдин суг ва сариёғни солиб юборинг. Уни бўғирсоқлар билан дастурхонга тортишингиз мумкин.

Суг қайлалли қовоқ. 1кг. қовоққа - 1 стакан суг, 1 ош қошиқ ун, 2 чой қошиқ қуритилган нон, 2 ош қошиқ сариёғ керак бўлади. Қовоқ булақларини қовуриб олиб, товага жойлаштирамиз, устидан сугли қайлани қуямиз ва қотган нон ушқларини устидан сеппиб, ёғ суртамиз. Кейин газ духовкасига қуямиз.

Қовоқли ош. Тўртбурчак шаклида кесиб олинган қовоққа сувда пишириб олинган гуруч, майиз, асал соламиз. Духовкада 10-15 минут пишириб оламиз.

ДИЛАФРУЗ тайёрлади

Камқонлик асосан киши танасида темир моддасининг етишмаслигидан келиб чиқади.

Масалан, хар бир соғлом танада ҳаммаси бўлиб 3-4 граммгина темир моддаси мавжуд. Лекин, у оз бўлишига қарамадан организмда муҳим вазифани бажаради. Яъни у қизил қон таначалари таркибига кириб тўқималарга кислород етказиб беришдек улкан вазифани бажаради. Танадаги темир моддасининг қарийб 67 фоизи қизил қон таначалари (эритроцитлар) таркибиде. 27 фоизи махсус бирикмалар (ферритин, гемосидерин) таркибиде жамғарма сифатида, 5,9 фоизи эса организмдаги турли ҳужайралар таркибидеги, шунингдек мускул тўқималари ва энзимлар таркибиде ва нихоят озгина қисми (0,1 фоизи) қон плазмаси таркибиде бўлади.

Темир моддаси гўшти овқат маҳсулотлари таркибиде кўп бўлиб, улардан яхши сўрилади. Сабзавот, мева ва ўсимликлар таркибиде эса бу модда камроқ бўлиб, борлари ҳам танага ёмон сўрилади.

Балогатга етган қизларда ва аёлларда ҳайз кўриш, ҳомиладорлик ва болани эмизиш натижасида кунига 1,5-2 ва ҳатто 2,5 мг-гача темир моддаси йўқолиши мумкин. Баъзан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат таркибиде темир моддаси кам бўлади ёки у ичак

АГАР КАМҚОН



БЎЛСАНГИЗ...

касаликларни туфайли кам сўрилади, шунингдек, ўспирин ёшларнинг тез ўсishi, аёлларда кетма-кет ҳомиладорлик организмдан турли сабаблар билан қон кетиши каби сабаблар туфайли танада темир моддасининг миқдори камайиб кетади. Керак бўлган темир моддаси аввал организмдаги жамғармадан ишлатилади. Кейинчалик ундаги темир миқдори ўта камайиб кетиши туфайли организмдаги ҳужайра, тўқима ва энзимлар янгилинишига, қизил қон таначалари ишлаб чиқариш қийинлашади ва камқонлик бошланишидан анча олдин темир моддаси жамғармаси камайишидан ажралиб туради. Бу эса шифокорлар томонидан касалликни эрта аниқлашга катта ёрдам беради.

Темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқадиган камқонликда ҳамма органларнинг функцияси ўзгаради. Бу айниқса ҳомиладор аёлда ҳомила тараққиётига салбий таъсир этади, туғруқ оғир кечади. Бу ҳолатларда оналар ва улардан туғилган болаларнинг тез-тез касалликка чалиниши кузатилади. Темир миқдори етишмаслиги ҳолати ва камқонлик беморнинг меҳнат қобилиятини пайсатирибгина қолмай, унда бош оғриғи ва юрак тез-тез уриши ҳолатлари пайдо бўлади. Киши тез чарчайди, кайфияти тез ўзгаради, арзимайдиган нарсалардан ранжиб йилғайди ёки жаҳли чиқади. Темир етишмаслигидан беморда ҳимоя кучи пайсайиши, танада сурункали касалликларнинг кўзғалиши ва у хар хил юқумли касалликларга тез-тез чалиниши рўй беради.

Бу касаллик ҳатто инсоннинг ташқи қиёфасига ҳам таъсир қилади: сочлари тўкилади, териси қуруқлашади, оёғининг товонлари ёрилади, тирноқлари юққалашиб синади, тишлари мўрт бўлиб емирилади ва тушади, натижада бемор ўз ёшидан анча кексароқ кўринади.

Бугунги кунда камқонликни ўрганиб чиқиш тақрибаси шу касалликни тўлиқ даволаш ва олдини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 581-бўйруғи асосида вилоят, туман, шаҳарлар марказларида камқонликни даволаш ва унинг олдини олиш марказлари ташкил этилиб, тинимсиз ишлаб турибди. Бу марказлар махсус кўрсатмалар асосида касалликни тезда аниқлайди ва тегishли чоратadbirlарни ўтказади, бу вазифаларни тўри ва тўлиқ бажариш учун етарли мутахассислар ажратилган.

Касалликни даволаш ва олдини олишда даво чоратadbirlаридан ташқари, темирга бой ўсимлик маҳсулотларидан таомлар тайёрлаб тановул этиш мақсадга мувофиқ. Дўккали ўсимлик маҳсулотлари, нўхат, қуритилган ўрик, олхўри, кишишми, гуруч, бугдой маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Баходир ҲАКИМОВ,
Сурхондарё вилояти,
8-Сариосиё туманлараро ТМЭК раиси.




ҲОЛСИЗЛИККА ЧАП БЕРИНГ!

РАНГЛАР - КАЙФИЯТНИ ЯХШИЛАЙДИ

Ранглар ҳам даволайди, ҳам хуш кайфият бағишлайди. Уйдаги мебеллар, кийимлар ва хоналарнинг ранги ёрқин бўлишига эришинг.

Сариқ ва қизғиш ранглар кайфиятни яхшилаб, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайти, иштахани очади. Ошхонада ишлайтиш учун бир неча рангдаги чиройли тарелка ва пиёлалар сотиб олинг. Деворга эса гуллар чизилган патнис ёки чиройли сурат илиб қўйинг.



Қизил - рангли кийим танага қувват бериб, тетиклаштиради. Лаб тўқ қизил рангли буюк билан бўялса атрофдагиларга (айниқса эркакларга) ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, иштахани ҳам очади. Меҳмонхонагизга қизил рангли дарларда осиб, диванга қизил ёпқич ва полга қизил гилам тўшаб қўйсангиз хонадонингиздаги ҳаётни фаоллаштиради.

Аммо ётоқхонадаги қизил рангли нарсаларнинг меъёрда бўлишига эътибор қилинг. Фақат стол лампаси ёки ўрин-кўрпаларингиз қизил рангда бўлсин. Оғир ўтган иш кунидан сўнг дам олишни истасангиз, қизил ранг асабингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис ётоқхона учун мовий ёки ним яшил ранглардан фойдаланинг.

УҚАЛАШ ҚУВВАТ БЕРАДИ

Ишхонагизда, ўтирганда кулоғингиз солинчогини уқаланг. Бу бош миянинг фаол ишлашини таъминлайди ҳамда тетиклик бағишлайди. Соат миллари йўналишидаги айланма ҳаракатлар билан босиб уқалаш эса тинчлантиради.

→ Компьютер ва қозоғга тикилиш оқибатида кўзингиз толиқгани сезсангиз кулоқ солинчоқлари ўртасини яхшилаб уқалашингиз керак. Тананинг умумий ҳолатини яхшилаш учун кулоқ ичини, толиқини йўқотиш учун эса кулоқнинг четки қисмларини уқаланг.



→ Эрталаб вақтингиз бўлса, тово-нингизни, оёбингиз бармоқларини ва тўпигингизни уқаланг. Шошиб турган бўлсангиз, бунга вақтингиз ет-маса тово-ўртасини уқалаш кифоя қилади.

→ Сиз кун бўйи тик оёқда туриб ишлашга ҳамбур бўлсангиз, кулоқларингизнинг юқори қисмини уқаланг. Чунки кулоқнинг бу қисми тўридан-тўғри оёқлар билан боғлиқ экан. Уқалаш толиқини натижа-сида оёқларда пайдо бўлган шишни йўқотади.

→ Бармоқларнинг учини уқалаш ҳам фойдали. Уларни аввало чап қўлингизнинг чимчалоғидан бошлаб уқаласангиз, фойдасини дарҳол сезасиз. Сўнг навбат билан бошқа бармоқлар уқаланади.

→ Об-ҳавонинг ўзгариши натижасида ўзингизни нохуш ҳис қилсангиз, дарҳол ўнг қўлингизнинг чимчалоғини уқаланг. Уқалашни бир неча марта бир соат давомда, тақрорласангиз аҳолингиз яхшиланганини ҳис қиласиз.

ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЎЗГАРТИРИНГ!

Ҳолсизлик ҳолатига чап бериш учун ишларни режа билан бажариш, тўйиб ухлаш, витаминга бой озиқ-овқатлардан истеъмол қилиш жуда муҳимдир. Тўйиб ухлаб олиш учун энг аввало хонани шамоллатиш, сўнг аввал илиқ, кейин совуқ душ қабул қилиб, енгил, лекин иссиқ кўрпага ўралиб ётинг. Тонгни ҳар икки оёбингизни каравот киррасигача узатиб, тортилиб, чўзилишдан бошланг. Кейин бутун гавдангиз билан ўнг ва чап томонга эгилинг. Энг фойдали ноношута бу - ёнғоқ, майиз, асал, мева шарбати ёки кўк чой ҳисобланади. Сариеғни лимон билан гўштмайдалагичдан ўтказиб, кепакли нон билан ейиш ҳам танага қувват беради. Бир қисмдан майиз, олхўри коки, туршакни гўшт майдалагичдан ўтказиб, 3 ош қошиқ асал кўшинг-да, ҳар кун эрталаб бир неча қошиқдан истеъмол қилинг. Ишга тоза ҳаводан нафас олиб, пиёда бориш нур устига аъло нур бўлади. Уйингиз хоналаридаги мебелларнинг жойини ва пардаларини ўзгартиринг. Гулларингиз бўлса, уларни чиройли тувакларга қайтадан экиб чиқинг.

15 МИНУТДА ЁШАРАМИЗ

Агар юзингизга кунига 2-3 маҳал вақт ажратиб, мунтазам равишда машқлар билан шуғулланиб турсангиз, натижасидан кўнглингиз тўлади. Юз учун қилинадиган мушаклар машқи терининг қон айланишини яхшилайти, юз рангини кўркамлаштиради.



Демак, машқларни икки кафтимиз билан пешонадан бош териси чизиги билан бирга 6-10 лаҳза силш билан бошлайсиз. Бу вақтда кўзингизни очмай-сиз. Кўз олмалари ҳам айлантирилмайди. Қош ҳам кўтарилмай, пешона тириштирилмай, кафтлар соат миллари йўналишида айлантирилади.

Кўпчилик аёлларни ёш ўтган сайин осила бошлаган қовоқлари безовта қилади. Бу кўнгилисизликнинг олдини ҳам машқлар ёрдамида олиш мумкин. Ҳар икки қўлингиздаги тўрттала бармоғингизни (кўрсаткичдан то чимчалоққа қадар) қош остига қўйинг. Сўнг қошларни 5 мм. баландликда кўтариб, бармоқларингизни юз терисига қаттиқ босинг. Кўзларингизни 6 секунд қаттиқ юминг, сўнг бўшаштириб кўзларингизни очинг. Энди эса қовоқларни мустаҳкамлаш билан шуғулланамиз. Қизиги шундаки, бунинг учун қовоқлар бўшаштирилади. Сўнг оғиз бурчакларини қовоқларнинг бўшашган ҳолатини сақлаган қўйи четга ва юқори-га тортилади. Бундай қилинганда оғиз таранглашиб, бурчаклари 6 лаҳза давомда тортиб турилади. Бу машқни кетма-кет 2-3 марта тақрорланг.

Сўнг яна бир машқни бажаринг. Кафтларнинг орқаси ёноқларга кулоқлардан 2 см. узоқликда қаттиқ босилади. Шу вақтда ёноқлар шиширилиб, лаблар 10 лаҳза давомда карнайча шаклида олдинга чўзиб турилади. Агар сизга ёноқ шишириш билан лабни олдинга чўзиш қийин туюлса, аввал лабларни олдинга чўзиб, кейин ёноқларни шишинг.

Навбатдаги машқ эса шундай: - Сиз рўпарангизга ёқиб қўйилган шамни бор кучингиз билан пуфлаб ўчираётгандек ҳаракат қилинг. Ҳавони 6 лаҳза давомда чиқариб, кейин лабларингизни бўшаштириб, жилмайинг.

Энг сўнгги машқ эса иякни кўркамлаштиради. Иякни чиройли ҳолатга келтириш учун, аввало стулга қулай ўтириб олинг, белингиз ҳам тик бўлсин. Иягингиз мушаклари ва тилингизни зўриқтирган ҳолда бошингизни олдинга ва орқага қарата аста-секинлик билан эгинг.

ВИТАМИН-ТАНГА ҚУВВАТ

Турли витаминларга бой, табиий маҳсулотлар ва кўкатлар истеъмол қилинг. Бу маҳсулотлар қиш бўйи ҳолсизланган танангизга куч-қувват беради.

→ Тана саломатлигини тиклаш учун С витаминига бой бўлган хом сабзавотлар, олма, тузланган қарам ва цитрус меваларидан ҳар кун кўпроқ истеъмол қилинг.

→ Танани ёшартирувчи Е витамини эса ўсимлик ёғи ва ундирилган бугдойда бошқа маҳсулотлардан кўра кўпроқ бўлади. Ундирилган бугдойнинг ўзини ейиш ёки кўкатлар билан тайёр таомга қўшиб истеъмол қилиш бирдай фойдали. Е витамини эса ёнғоқларнинг барча турида учрайди.

→ Бугдой ёрмаси, тухум ва дук-какли маҳсулотлар В дармондорисига бой. Бу маҳсулотларни кепакли нон билан ейилса, фойдаси икки баробар ортади. Кепакнинг ўзини (дорихоналарда сотилади) овқатга қўшиб ейиш мумкин. Ёки 1-2 чой қошиқ кепакни овқатдан олдин 1 стакан тоза сув билан ичилади.

→ А витамини қизил ва қизғимтир маҳсулотларда апельсин, олча, сабзи ва қулупнайда бўлади. Шуни унутмангки, А витамини ёғ билан бирга қўшилганда тез сўрилиб кетади. Қирғичдан чиқарилган сабзини ва меваларни қаймоқ билан қўшиб енг. Вақти-вақти билан эса А витаминига бой жигар ва тухум ҳам истеъмол қилишни қанда қилманг.

→ Д витамини сариеғ, балиқ ва тухумда етарли учрайди. Шунингдек, чарақлаб турган баҳор қуёшининг нурлари остида сайр қилиш ҳам тана учун Д витаминини ишлаб чиқаради.



ХАЛҚ ТАБОАТИ ЁРДАМ БЕРАДИ

→ Толиққанда 1 стакан пиёз шарбатига (фақат кўк пиёз бўлмасин) 1 стакан асал қўшиб, хона ҳароратида 3 кун сақланг. Сўнг 10 кун музлаткичда турсин. Бу аралашмани кунига 3 маҳал, овқатдан 30 минут олдин истеъмол қилинг.

→ 2 ош қошиқ арча ниначалари устига 1 стакан сув қуйиб, паст оловда 15 минут қайнатган, сузиб олиб, 2 соат ўраб қўйинг. Сўнг 2 ош қошиқ асал қўшиб, оч қоринга кунига 3 маҳал, 1-2 вақт давомда ичинг.

→ 2 чой қошиқ лимон шарбатига, 0,5 стакандан апельсин ва қизилмия (солodka) шарбати олинади. Дамлама тайёрлаш учун 1\4 майдаланган қизилмия илдизи устига 1\4 стакан қайноқ сув қуйилиб, паст оловда 10 минут қайнатиб олинади. Тайёрланган дам-



ламага лимон ёки апельсин шарбати ва 1 чой қошиқ асал аралаштирилади. Бу аралашмани ҳар кун эрталаб 0, 5 - 1 стакандан ичилади.

→ Газанда ўт (крапива), мой-чечак (ромашка) ва мингбарг

(тысячелистник) гиёҳларидан тенг миқдорда олинади. Ушбу аралашмадан 1 чой қошиғи олинб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб, бироз дамлаб қўйилади. Бу аралашмани кунига 3 маҳал, овқатдан кейин асал ёки қуруқ мевалар билан ичилади.

→ 2 стакан ювилган сули (овес) дони устига 1 литр қайноқ сув қуйилиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Кунига 3 маҳал, ярим стакандан ичиш қувват беради.

→ Қаттиқ толиққанда 2 ош қошиқ олма сиркаси устига 1 стакан совуқ сув қуйинг-да, танангизни артиб чиқинг.

→ Умумий ҳолсизлик ва жисмоний зўриққанда 1 ош қошиқ смородина барги устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, кунига 2-3 маҳал ярим стакандан ичсангиз, танангизни тетиклаштиради.

ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.



894 Асли бухороликмиз. Қизимнинг **ёши 22 да**. Маълумоти олий. Келишган, одоби ва хушрўй қиз. Баобрў оиланинг фарзанди. Нуфузли ташкилотда ишлайди. 30 ёшгача бўлган, асли бухоролик, тошкентлик ёки Тошкент вилоятидан бўлса ҳам ўзининг уй-жойи бўлган, олий маълумотли, давлат ишида ишлайдиган, кўркем йигитни куёв қилган бўлардик.

Манзилимиз тахририятда.

Комила опа

895 Асли тошкентликман. **Ёшим 21 да**. Коллежни тугатиш арафасиданман. Бўйи-баси келишган, чиройли қизман. Яхши оиланинг фарзандиман. 25 ёшгача бўлган, тошкентлик, жиддий ва кўркем йигитга турмушга чиқиб оила қуриш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Феруза

896 **Ёшим 24 да**. Асли фарғоналикман. Келишган қизман. 30 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, яхши оиланинг фарзанди бўлган, уйим-жойим дейдиган йигитга турмушга чиқмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Севарахон

897 Асли тошкентликман. **Ёшим 42 да**. Ажрашганман. Уй-жойим бор. Отам билан яшайман. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган ораста аёл бўлса, уйланмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Анвар

(Боши 7-бетда)

Орада меҳрибон эгам қарашиб бироз пул топиб уч ойлик ижара ҳақини тўладим. Аммо бунгача бобонинг ҳовлисида салкам саккиз ой яшаб қўйган эдик. Энди "етим бола"нинг ёши биркам тўксонда эди. Хотираси анча сусайиб янада инжиқ бўлиб қолган, баъзи-баъзида "сан кимсан, Нодир эмасмисан?" дея мени олтинчида ўқийдиган невараси билан адаштириб қўяр, ўзимни ҳарчанд таништирмайин, барибир "Нодирлигимча" қолаверардим. Тошўлак бобонинг болалари эса: "Энди бобойдан хафа бўлманг, нима деса хўп деб тураверинг, буюғи ҳам пишиб қолган, қаричилик", - дея таскин беришарди. Энди бандасининг бир куни келиб шу аҳволга тушиши мумкинлигини англаб кўнглим сим-сим йиғлар эди. Ҳамсоғларнинг айтишларича, чол эллик-олтмиш беш, етмиш ёшларида шунчалар бақувват бўлган

эканки, темир йўлнинг устида қурилган баланд ва узун кўприк йўлга ҳар икки елкасига бир қопдан ун—нақд юз кило юк билан зинаполярдан бемалол кўтарилиб йўргалаб кетаверар экан. Хатто, унинг йўргалашига баъзи бир юксиз одамлар югургилаб ҳам етолмас экан. Уруш

АЛОМАТФЕЪЛА ТОШЎЛАК БОБО

йиллари темирчилик қилган Тошўлак бобо, ҳали-ҳануз ўзи ясаган "ўзбаки" болта, ўроқ ва кетмонларини олиб келиб, эринмай уларни мақтар, хозирги айрим ҳўилакор усталар ясаган бел, кетмонлар бир мавсум ҳам иш бермаслигини айтиб, афсус билан бош чайқар ва "аллингга ўлай, элни алдаганни косаси оқармайду, бахти кемтинку бўладу, телбазўрга ("телевизор" демоқчи) чиқиб гапирсангиз ҳам асло ёлгон қўшмай гапирингиз", - дерди.

Орада бобонинг хотираси бу-

ИНСОННИ ЁЛГИЗЛИК ҚАРИТАДИ...

- Асли фарғоналикмиз. Исми Манзура. Уч йил аввал меҳрибон ва мулоим қайнонам вафот этди. Учта хонаси бор данғиллаган уйда **69 ёшли** қайнотам ёлғиз қолди. Биз келинлари, ўғилу қизлари отамизнинг хўрматыни жойига қўямиз, кўнглига қараймиз, лекин... Биз уй-уйимизга кетгач у бир ўзи қолиб кетади... Аслида ўзи ёлғизликдан унча нолимайди. Лекин биз қайнотамни уйлантиришга қарор қилдик...

903 - **Қайнотангиз-чи, у уйланишга розимиз?**
- Агар оқила, меҳрибон бир аёл бўлса уйланади. Қайнотам 52 йил ўқитувчилик қилганлар. Шеръ, мақола ва ҳажвийлари тур-

ли газеталарда босиларди. Таъбири нозик ва текис инсон. Меҳнатқаш ва доно қайнотамизнинг ёлғиз қолишидан виждонимиз кийналади. Бир аёл билан бирга умргузаронлик қилса, бирга гангир-гунгур суҳбатлашиб ўтиришса қандоқ яхши? Ахир ёшим, кексами инсоннинг бошига бевақт ҳамма нарса тушиши мумкин. Оллоҳ ҳам ҳамма жонзотни жуфт-жуфти билан яратган.

904 - **Бўлажақ қайнонгиз қаерлик бўлиши керак?**
- Илоҳи бўлса вудийдан. Чунки олис олис-да. Инсонни ёлғизлик қаритади, дейишган. Шу боис қайнотамизнинг ҳам ўз жуфти бўлишини истаимиз. 60 ёшлардаги оқила ва меҳрли аёл бўлса овоз берсин...

900 **Ёшим 29 да**. Асли қашқадарёликман. Уйланмаганман. Ишлайман. Қаерлик бўлишидан қатъий назар, 28 ёшгача бўлган, меҳрибон, пазанда, уй-жойли қиз ёки бир фарзанди бор аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Раъно

901 Асли тошкентликман. **Ёшим 50 да**. Турмуш ўртоғим вафот этган. Тўрт нафар фарзандларимдан қутулганман. Маълумотим олий. Ўзимнинг уй-жойим бор. Касбим шифокор, ишлайман. Жиддий ва ораста аёлман. 60 ёшгача бўлган, олий маълумотли, ўзининг уй-жойи бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, диёнатли эркак бўлса, турмушга чиққан бўлардим.

Манзилим тахририятда.

Исломо

902 Асли андижонликман. **Ёшим 38 да**. Ажрашганман. Тошкент шаҳрида яшайман. Икки нафар фарзандим бор. Ўзимнинг уй-жойим бор. Саранжом-сарийталикни ёқтирадиган аёлман. 55 ёшгача бўлган, меҳрибон, ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган эркак билан оила қуриш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Сайёра

902 Асли андижонликман. **Ёшим 38 да**. Ажрашганман. Тошкент шаҳрида яшайман. Икки нафар фарзандим бор. Ўзимнинг уй-жойим бор. Саранжом-сарийталикни ёқтирадиган аёлман. 55 ёшгача бўлган, меҳрибон, ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган эркак билан оила қуриш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Дилором

904 **Нега бундай бўлди?**
- Хотиним ҳар куни онасиникига кетади. Бир ойлаб қолиб кетади. Бир гал уч ой уйга келмади. Бу катта жанжалга сабаб бўлди. Кейин билсам хотиним ажрашиш учун мени судга берибди. Оилам-

ни тиклашга қанча уринсам ҳам бўлмади. Аёлим: "Менга эр керак эмас, онам керак", - деб туриб олди. Уй-жойимни хотинимга ташлаб, ўзим ижарага чиқиб кетганман. Яқинда хотиним эрга тегди. Сўнгги умидимни ҳам уздим. Энди мен ҳам ўз ҳаётимни қуришим керак. 42 ёшгача бўлган, сабру тоқатли, оқила, ўзининг уй-жойи бўлган аёл бўлса, оила курсам, дейман...

904 **Ҳа, азизлар! Рост гап. Инсон борки ўзига жуфт излайди. Ҳеч ким ўз жуфтидан айрилмасин. Бахт излаётган инсонларнинг манзили эса тахририятда.**

БАСИРА ва ТАМАРА тайёрлашди.

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди. Шунингдек, ажрашганлар суд қарорининг нусхасини тақдим этишлари шарт.

ларга хос шаъма қилаётган эди. Назаримда ақлдан тўксон яшар "етим бола" эмас, мен озаётгандек юрагим увишиб кетди. Бироздан сўнг Тошўлак бобо манглайига шаппатилаб йиғи аралаш хиргойи қилди: "Вой отам-ей, вой онам — қани улар, номард дунё! Санга келиб кимнинг кўнгли тўлди-ей..."

Чолнинг ҳазин-ҳазин хиргойисидан ўпкам тўлди. Уни олиб кетгани келган меросхўрларидан уялиб тишимни тишимга босиб турардим. Аммо ёш тўла кўзларим сиримни ошкор қилиб қўйди.

— Бобойдан хафа бўлманг ака, бироз айниб қолган. Қаричилик-да. Ўрисларда бир мақол бор-ку "қаричилик-шод-хўрамлик эмас!" - дея мени юпатмоққа уринишарди бобони олиб кетгани келган ўғил не-

варалари.

— Эҳ гўдақлар! Мен бободан хафа бўлиб бўзлаётганим йўқ, - дедим энди ошқора ўқиб, - балки мени ҳиммати камёб, нотанти қисмат йиғлашга мажбур қилмоқда. Бундай тўксон-юз йил умрнинг қандай қиммати бор? Умуман, бу ёлгончи давру давроннинг қандай мохияти бор? Бу одам қирчиллама йигит ёшида ўзига узоқ умр тилаб юрганида охир-оқибат бир куни шундай абгор кексалик фаслига пешовоз келишини ҳеч тасаввур қилганмикин?

Тошўлак бобо кўп ўтмай омонатини топширди. Ақли чарчаб фарзанду невараларни илписиз боғлаб қўйган отахонга ҳам, тўрт-беш ойдан буён кўзқулоқ бўлиб турганларга ҳам энгил бўлди. Аммо...

Қулоқларим остида унинг ҳазин хиргойиси ҳануз аксадо бериб туради: **«Санга келиб кимнинг кўнгли тўлди, дунё!»**
Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмзалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 18:00. Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13283

Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 3 4 5 6 7 8